Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтиниңг  
—Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият”  
кафедрасининг етакчи жўрнавози

**Аннотация.** Мазкур мақола санъат институтиниң театр санъати бўлимида меҳнат қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент Тангуриева Севилья Рифатовна ишлаш услуби хақида кетади. Хореография фанини профессионал даражага кўтарган хассос устоз услуби дарс ўтиш услуби хозирги кунга қадар долзарблигини йўқотгани йўқ Таълимни тарбия билан бирга олиб борган С.Тангуриева шогидрлар тарбиялади. Мақолада давлатимиз ва президентимиз томонидан санъат ва миллий хореография ривожланиши учун илгари сурилаётган қарор ва фармонлар тўғрисида хам сўз юритилади

**Калит сўзлар:** Хореография, санъат, апломб, мумтоз, рақс, анатомия, физиология, дастур, актер, театр, профессионал, балет, услуг.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается методика преподавания педагога, доцента, Заслуженной артистки Республики Узбекистан Тангуриевой Севильи Рифатовны в институте Искусств. Проработавшая больше двадцати лет С.Тангуриева внесла весомый вклад в подготовке и воспитании актеров и режиссеров. Основное внимание в работе автор акцентирует на методе работы педагога, а именно классический танец и узбекский танец в формировании внутреннего стержня актера. Также рассматривается ряд указов и постановлений президента и государства о развитии национальной хореографии в соответствии с кардинальными изменениями происходящими на сегодняшний день во всех сферах жизни и общества, усиление учебно-воспитательной, пропагандистской работы в данном направлении.

**Ключевые слова:** Хореография, искусство, апломб, классический танец, анатомия, физиология, программа, театр, актер, балет, методика.

Ўсиб келаётган ёш авлод онгига эзгулик ва нафосат, эстетик-маънавий камолотга муҳаббат туйғуларини сингдиришда ўзбек миллий рақс санъатининг ўрни бекиёсдир. Миллий рақсларда халқимизнинг энг мунаvvар қадриятлари, инсоний фазилатлари, миллий анъаналари ифодаланади. Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 4 февралдаги –Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар таेरлаш тизими니 тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда –Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари маданият ва санъат тараққиётида ўзига хос тарихий воқеа бўлди. Айни қарорлар асосида республикамиз маданият соҳасида, олий ўқув юртлари, мусмқа ва санъат мактаблари, санъат коллежларида хореография фанини ўқитишида замонавий ва илғор услубларидан кенг фойдаланиш, ўқувчилар иқтидорини хар томонлама ривожлантириш, хореография соҳасида эришилган илғор ютуқларни татбиқ этиш ҳамда илмий татдиқотлар натижалари бўйича адабиётларни таेरлаш ва нашр қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаси бўлиб хисобланади. Шу билан бирга давлатимиз рахбари ихтимоий, маънавий – маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурганэди.

Мамлакатимиз ахолисининг 30 фоизи 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг таълим олиши, касб - хунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этилиши долзарб масала хисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга карши иммунитет пайдо бўлади. Ташаббуслар қуидагича:

1. Ёшларни мусиқа, рассомлик, адабиёт ва театрга қизиқтирилиши.

2.Ёшларни жисмоний чиниқтириш,спортга қизиқтириш,қобилитларини намоён қилиш.

3.Ахоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш.

4.Ёшлар маънавиятини юксалтириш,китобхонликни кенг тарғиб қилиш.

5.Хотин – қизларни иш билан таъминлаш.

Ушбу 5 ташаббусни ёшлар, халқимиз томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Президент ташаббусига жавобан –Еаҳна харакати ва жисмоний маданият” кафедраси тизимли ишлар олиб бориб,адабиёт,мастер класслар , малакавий дарслар,концерт ва тарғибот ишларини олиб бормоқда. Кафедрамизда рақс тўгараги,ёш тадқиқотчилар жамоаси,”Жозиба” рақс ансамбли фаолият кўрсатиб турибди.

Президентимиз –Миллий рақс санъатини ривожлантириш чора тадбирлари тўрисида”ги қарорга жавобан қилинган ишлар ўз ичига кўп жихатларни алади.Кафедрамизда таниқли , санъат соҳасида захмат чеккан,машхур устозлар меҳнат қилган. Уларнинг ишлаш услуби,таълим –тарбия соҳасидаги ютуқларини тарғиб қилиш, ўрганиш бизнинг вазифамиздтр.Шулардан бири санъат институти театр булимида 20 йилдан ортиқ меҳнат килган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Доцент Тангуриева Севилья Рифатовна хақида бўлади. Бетакрор истеъдод соҳиби, устоз –санъаткор Севилья Тангуриева санъат институтининг театр санъати бўлимида рақсдан санъатини профессионал даражага кўтарган, кўплаб шогирдлар тарбиялаган ардоқли устоз бўлиб,институтимизда 1989 йилдан то 2012 йилгача ишлаган хассос педагоглардан бири хисобланади. Тангуриева хореография дарсларини профессионал даражада олиб борар эди. Бунга сабаб С.Тангуриеванинг А.Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театрида, кейинчалик Тошкент хореография билим юртида мумтоз рақсдан кўп йиллар давомида меҳнат қилганлиги ва ўтган асрнинг 70 йилларида Россиянинг нуфузли Ваганова номидаги хореография билим юртида малака оширганлиги деб ўйлаймиз. Академияда ўқиган пайтларида машхур санъаткор ва педагоглардан таълим олди. С. Тангуриева нафақат мумтоз рақс

сирлари, балки одам анатомияси ва физиологиясини ўрганиб.ўз услубини ишлаб чиқди. Актөр шаклланишида қадди – қомати, апломбини шакллантиришда мумтоз рақснинг ўрни мухим. Актёрнинг саҳнани мухлисларни сезиши унинг ички ўзагига боғлиқ. Устоз талабалар билан биринчи кунидан станок машқларига ўтиб кетмасдан , балки уларни ўзи ишлаб чиқсан полда бажариладиган маҳсус машклар бериб, станокка таेरлар эди. Талабаларни таेरгарлик, имкониятига қараб станок машқлари берилар эди. Устоз балет тетрида орттирган профессионаллик тажрибасини ва қўникмаларини талабалар аудиториясига олиб кирди. Станок машқларини оддий кўринишидан мураккаб вариантларига етказарди.Станок машқларини орасида русча, испанча, венгерча рақс элеменларидан ташкил топган харакатларни хам киргизиб борарди. Станок машқларини бажариб бўлгач, чўзилиш машқларига ўтилар эди. Саҳнада актёрнинг баданинг эгилувчан, енгил, тўғри бўлиб шаклланишида оёқлар чўзилиши (растяжка) ни бажариш жуда мухимдир. Станок машқлари тугагандан сўнг, ўзбек мумтоз рақс санъатининг алифбоси бўлган „Дойра дарс” ўрганила бошлар эди. „Дойра дарс” ўзбек рақс санъатининг пойдевор ўзаги ва хар бир санъат даргохida ўқиётган талаба учун бошлангич алифбо дарси хисобланади. Устоз талабаларга „Дойра дарс”ни 1- 2- 3-4 қисмларини талабалар қобилиятига қараб бераверар эди. Мумтоз рақсдан „Нилла”, „Ларзон”, „Роҳат” рақсларни саҳналаштирган ва катта саҳнага олиб чиқсан. Устоз институтда ишлаш билан бирга болалар мусиқа ва санъат мактабида хам фаол меҳнат қилиб, хореография булимларига маҳсус дастур ишлаб чиқсанлар ва бу дастурдан хозирги кунга қадар фойдаланилмоқда. С.Тангуриева услуби талабаларга хоретграфияни фундаментал асоси башланган мумтоз рақс (классик станок) ва ўзбек рақс асоси бўлган „Дойра дарси”ни ўргатар эдилар. Устоз дарс давомида интизом, масъулият,озодалик ҳиссини талабаларда тарбиялашга харакат қиласар эди. Тартиб, масъулият, интизом,саришталик актернинг асосий характер хусусияти бўлмоғи керак.” Интизом бор жойда ижод бўлади –деб таъкидлар эди устоз. Устознинг имтихонлари интизом ва

тартибда ўтар эди ва гурух раҳбарлари таклиф қилинар эди. Хар бир талабани муҳокамаси раҳбар билан ўтар эди. Таълим тарбия билан олиб борилар эди. Тангуриева Севилья илмий – тадқиқот ташларини таълим билан бирга олиб борар эди. Мусиқа ва санъат мактаблари учун мўлжалланган дастур ва” тарихий –маиший рақс –қитоблари, Галия Измайловага ижодига бағишлиланган автобиографик монография ва бошқа мақола.қўлланмалар ёзил, институт илмий ишлар йиғилмасига ҳисса қўшган захматкаш устозлардан бўлади.

### ***АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ***

- 1.Миллий рақс санъатини янада ривожлантириши чора тадбирлари тўғрисида. 6.02.2020 й..П.Қ.*
- 2.Президент маданият ва санъат соҳаси раҳбарлари билан ишегилиши ўтказди.26. 12.2017.й.*
- 3.w.w.w. madaniyat. uz.*
- 4.w.w.w.uzdaily.uz.*
- 5.Танец в системе профессионального становления актера драматического театра России. Лещинский.А.А. диссертация. 2012.г.*

## **ҚЎГИРЧОҚ БОШҚАРИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА- “ҚЎЛ ПЛАСТИКАСИ”НИНГ АҲАМИЯТИ**

### **Анваржонов Аббос Адҳамжон ўғли**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистратура бўлими, –Актёрлик санъати” (Қўғирчоқ театри актёrlиги санъати) мутахассислиги 2-босқич магистранти

**Аннотация.** Мақола, қўғирчоқ театри актёрини касбий шакллантиришда - –қўл пластикаси”, гавдани ва қўғирчоқни бошқариш кўникмасининг аҳамияти хусусида.

**Калит сўзлар:** қўғирчоқ театри, актёр, қўл пластикаси, гавдани бошқариш биомеханикаси, гапит.

**Аннотация.** В данной статье говорится о важности пластики тела, рук и навыков кукловождения в профессиональном становлении актёра театра кукол.

**Ключевые слова:** кукольный театр, актёр, пластика рук, биомеханика управления телом, гапит.

**Annotation** The article deals with the importance of «hand plasticity», body and puppeteering skills in the professional formation of a puppet theater actor.

**Key words:** puppet theater, actor, hand plastic, body control biomechanics, hapit.

—Қўғирчоқлар билан бажариладиган машқ ва этюдлар актёр қўғирчоқбоз учун алифбодир. Буларни яхши ўрганмасдан туриб, ҳеч қачон катта ва қийин спектакл устида ишлаб бўлмайди”. (В. Штейн.)<sup>14</sup>

Театр санъати таълимотининг асосий мақсади - актёрнинг ўз ижодий имкониятларини очиш учун кўмаклашиш ва ижод жараённида дуч келинадиган тўсиқларни мақсадга мувофиқ енгиб ўтишнинг усул хамда йўлларини тушунтириб беришдан иборат. Чунки, бадиий ижод жараённи актёrlарнинг ўз махоратларини чапдастлик билан намойиш қилишдангина иборат бўлмай, балки, хар бир спектаклда ўз истеъдодини юзага чиқаришга интилиш кўникмасини шакллантириш хам керак. Сабаби, актёрнинг руҳий ва жисмоний ҳаракатлари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда унинг саҳнадаги ягона қуролига айланади.

Бўлажак актёр ўз истеъдодини тўлақонли намойиш қилиши учун ўзининг ифода воситаси бўлмиш гавдасини зарурий иш ҳолатига келтириши лозим, яни уни мақсадга мувоффиқ созлаши зарур. Бунинг учун энг авалло, гавданинг руҳий ҳолатини-ташқи жисмоний ҳаракатга айлантириш йўлларини қидириб топиши ва ички техникани-ташқи техника билан боғлиқ нуқтаси топилиши лозим. Чунки, ҳар қандай ички ҳаракат-фикр, ташқи жисмоний ҳаракат орқалигина ўз моҳияти ва имкониятини қўрсатади.

Созланмаган соз билан яхши куй чалиш мумкин бўлмаганидек, маҳсус тайёргарликдан ўтмаган актёр аъзолари

---

<sup>14</sup> Симинов П.В. «Метод Станиславского и физический эмоции». М.: 1962, 85с.

билан, қўғирчоқ персонажнинг мақсадли хатти-ҳаракатини бошлаб бўлмайди. Тасаввур қилинг, актёр қўғирчоқнинг мълум бир мақсадли харакатини бажариши учун-юқорига кўтарилиган қўллари билан белгиланган ҳаракатни амалга ошириши керак. Бу ҳаракатни репетициялар жараёнда амалиётда синовдан ўтказиб, меъёрига келтириб қўйган. Бироқ актёр, саҳнага чиқишидан аввал маҳсус машқлар билан қўл ҳаракатларини мақсадга мувофиқ созлаб олмаса, парда очилиши билан персонажнинг нозик ҳаракатларини ижро қиласидиган қўллари қўпол тарзда ҳаракат қила бошлайди.

Гарчанд, бу ҳолатда актёрга идроки ташқи аъзоларига тўғри кўрсатма берган бўлсада, унинг на овози ва на мушаклари бу кўрсатмага итоат қиласиди. Сабаби, актёрга қўллари амалий тажрибани етарли ўтаб, шу ҳаракатлар машқини мақсадга мувофиқ ўзлаштиргмаган бўлади. Натижада, актёрга бадиий ниятини амалга оширувчи ташқи қуроли, яъни қўллари ва гавдаси ички буйруқка бўйсунмайди. Шунинг учун ҳам, ички ва ташқи техникани бир-биридан ажратиб бўлмайди. Сабаби, бу жараёнда мускуллар хотираси етакчилик қиласиди.

Актёр ўзининг гавдаси билан боғлиқ ифодавий ва таъсирчан воситаларини бошқара олишини Мейерхольд –“Биомеханика” деб атади. Бу атама, био-тириклик, механика-машина, яни –тирик машина” деган маънони англатган. –“Биомеханика” – актёрга саҳнавий ҳаракатидаги фикр ва гавдани мақсадга мувофиқ бошқарувчи аппарати фаолиятининг натижаси белгиланади. Шундай экан, қўғирчоқ театри бўлимида касб маҳоратини эгаллаш жараёнда, фикр ва гавда уйғунлигидаги мақсадли хатти-ҳаракат биринчи ўринда турмоғи керак.

Ўзекистон давлат санъат ва маданият институтида –“Қўғирчоқ театр актёrlиги” ёўналиши очилганига қарийб қирқ йил бўлаётган бўлса, шу кунгача бу борадаги изланишини тўхтатмади. Сабаби, Республикализнинг деярли барча вилоятларида қўғирчоқ театрлари фаолият юритиб келади. Шу театрларга профессионал қўғирчоқ театр актёrlарини етиштириб бериш –“Ўзекистон давлат санъат ва маданият институти” зиммасида.

“Қўғирчоқ театр санъати” кафедраси ташкил топгандан то ҳозирги кунга қадар замон билан хамнафас ривожланиб келди. Сабаби, кафедра ходимлари миллий қўғирчоқ театр санъати анъанавий асосини сақланган холда, замонга қараб ўз услубларини таккомиллаштириб борди. Чунки, техника ва технология ривожланган даврда ҳозирги замон ёшларининг фикирлаш қобиляти ўттиз-қирқ йил олдинги болаларга нисбатан анча ривожланганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Кўл ҳаракати – қўғирчоқ театри актёрининг асосий ифода воситаси ва қуролидир. Кўлларнинг ифодали хатти – ҳаракати қўғирчоқ персонажнинг пластикасида аниқ кўринади. Улар образнинг ички ва ташқи мазмун моҳиятини очишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Қўғирчоқларнинг барча турларида ҳам персонажлар фикри – режалари асосан, актёр унинг қўллари орқали бадиий – саҳнавий ечимни юзага чиқаради. Булар қўғирчоқ театри санъатининг асосий профессионал талаби сифатида эътироф этилган. Демак, қўғирчоқ театри актёрини ўқитиши ва касбий тайёрлаш жараёнида ижро ҳамда услубият масалалари катта аҳамиятга молик бўлиб, уни таҳлил қилиш, меъзонларини белгилаш ҳозирги давр таълим тизимида долзарб аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон қўғирчоқ театри амалиётида -қўлқопли, симли, планшет ва бошқа турдаги қўғирчоқлар бадиий асарнинг ғоявий мазмуни, бадиий ечимидан келиб чиқиб, ўзаро уйғун тарзда кўлланилади. Республикаизда ўндан ортиқ давлат қўғирчоқ театрлари, шунингдек, ҳаваскорлик жамоалари, хусусий қўғирчоқ театрлари фаолият юритмоқда. Шунинг учун, қўғирчоқ театри актёрини давр талаби даражасида тарбиялаш, бу санъат тури учун маҳоратли мутахассисларни етиштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистондаги қўғирчоқ театрлар сони ва салмоғи жихатидан жамият маънавиятида ўз ўрнига эгалиги, ёш авлоднинг маданияти ҳамда эстетик саъвиясини шакллантиришда катта аҳамиятга моликлиги шубҳасиз. Бундай улкан вазифани фақат профессионал таълим олган қўғирчоқ театри актёrlаригина уddeлай олишлари мумкин. Сабаби,

қўғирчоқ театри санъатида бекиёс ўринга эга-симли қўғирчоқларнинг бадий имкониятларини фақат бу соҳага ўқиган маҳоратли актёргина тушунган бўлади.

Қўғирчоқ театри бўлимида касб маҳоратини эгаллаётган талабалар учун қўл ҳаракати машқлари соҳа талабларининг мағзидир. Қўлларнинг ифодали хатти – ҳаракати қўғирчоқ персонажнинг пластикасида ёрқин намоён бўлади. Демак, қўғирчоқ театри актёрининг асосий ва ҳал қилувчи бадий қудрати, унинг қўлларидадир. Қўлларнинг тинимсиз, яратувчанлик ва бошқарувчанлик фаолияти қўғирчоқ театри актёрининг маҳоратини кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Актёр қўғирчоқ бошқариш техникаси сирларини мукаммал эгаллагандагина, унинг қўллари маҳорат омилига, ифода воситаси даражасига айланади. Маҳоратли актёрининг қўллари, бармоқлари персонажнинг муҳим жиҳатларини очишда бадий восита сифатида намоён бўлади.

Уқувсиз актёр қўлларини қаерга қўйишини билмаётганлигини драматик театрлар саҳналарида ҳам учратиш мумкин. Уларда –**ақлли қўллар**” деган ибора бор. Қўғирчоқ театрида эса –**маҳоратли қўллар**” ғоят аҳамиятли. Маҳоратли ва ақлли қўлларда қўғирчоқ персонажларининг физиологик хатти – ҳаракати, мақсади, характерли жиҳатлари бевосита алоқадорликда намоён бўлади.

Актёрининг саҳнавий фаолиятида, бадий образ яратиш жараёнида психофизик ҳаракат етакчи аҳамиятга эга бўлади. Қўғирчоқ театрида эса, гавданинг ва қўлларнинг пластикаси синовдан ўтган таълим услубига муҳтож. Шунинг учун, қўғирчоқ персонажининг гавдаси ифодали бўлиши, қадди-қомати, бичими ҳайкал каби мазмундор бўлиши талаб қилинади.

Қўғирчоқ қиёфасида саҳна персонажининг ички дунёси, қилинаётган ишдан мамнун ёки норози эканлиги кўриниши керак. Бундай вазиятда актёр ўз персонажининг қадди-қомати ҳолатини, томошабинлар ўзларининг хотирасида сакланиб қолиши учун –**урғулай**” олиши лозим. Бу талаб қўғирчоқ персонажнинг ҳолатини –**фиксация қилиш**”, деб аталади. Тростли қўғирчоқни бошқариш техникасини ўзлаштириш

машқлари дастлаб очиқ гапит билан бажарилиши мумкин. Бунда-бармоқлар, билаклар, тирсакларнинг мускул ҳаракатларини кузатиш, кўзга яққол кўриниб турган хатоларни тузатиш, мускуллар сиқиқлигини бартараф қилиш лозим бўлади. Қўғирчоқнинг ҳаракатларини очиқ гапит билан бажариш давомида- штампларни йўқотишга, пластик ҳаракатлар ифодавийлигини оширишга, эркин фантазия қилишга катта имкон туғилади. Талабалар тростли қўғирчоқни очиқ гапит билан бошқарув машқини яхши ўзлаштиргач, бошқа системадаги қўғирчоқларда бундай ҳаракатларни синаб кўриш мумкин. Чунки, қўғирчоқлар билан аввало, одам қиёфаси, сўнгра одамларга ўхшаб фаолият кўрсатишга йўналтирилган ҳайвонлар ҳаракати тасвирланади.

Саҳнада қўғирчоқ персонажи орқали ифодаланаётган одам-тик юрувчи мавжудот сифатида, горизонтал чизикда, вертикал ҳолатда бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун қўғирчоқнинг танаси тик ифодаланганда томошабинларга тасаввуридаги вертикал ҳолатга мувофиқ туради. Бу вертикаллик, унинг бошидан бошланиб, бўйни, елка ўртаси, гапит, актёрганинг билаги орқали ўтади ва саҳна (ширма) майдонининг чегарасида тугайди. Қўғирчоқнинг оёқлари ширма ортида кўринмас бўлса-да, унинг танаси ширма юқорисида ҳаракатланишини томошабинлар реал воқеадек тасаввур қиласеради.

Тростли қўғирчоқни бошқаришда унинг асосий –стойкасини” тўғри бажариш катта аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай қўғирчоқнинг мақсадли хатти–ҳаракати бошланишидан аввал, унинг қадди-қомати, гавдасининг асосий стойкада -биомеханик жиҳатидан тўғри бўлиши мумкин. Асосий стойкада тростли қўғирчоқнинг қўллари икки ёнга сал айрилиб, қўғирчоқ гавдаси ён томонларида эркин осилиб туради.

Актёрганинг моҳир қўллари мақсадга мувофиқ ишлаши учун аввало, унинг қўллари пластикага-ифода воситаларига бой бўлиши керак. Сабаби актёрганинг қўллари саҳнада икки хил вазифани бажаради. Улар -акс эттириш ва мақсадли ҳаракат қилишдир. Масалан, бармоқлар ҳаракатга келиб, ҳайвоннинг бирор нима еяётганини кўрсатди. Агар бу ҳаракатга товуш ҳам

қўшилса, қўғирчоқ персонажининг характери янада жонлироқ чиқади.

Акс эттиришнинг бу тури, тасвирий санъатнинг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қиласди? – деган савол туғилади. Санъат асари яратувчиларнинг бу ёўналиши жонсиз материаллардан фойдаланадилар. Бу ерда эса, тирик инсон қўллари жисмни акс эттириб, мақсадга мувофиқ ҳаракат қиласа, энди бу қўллар-кичик актёrlарга айланадилар. Демак, бундай қўллар- ҳам яратувчи материал, ҳам актёrlирлар. Актёrl қўлидаги қўғирчоқ-юриш, сакраш, чопиш, ўтириш, туриш, ётиш, чўккалаб ўтириш, бир оёқлаб сакраш, қарашиб, кузатиш, эшитиш, қулоқ солиш, мўралаш, узокларга назар солиш, рози ва норозиликни ҳаракат орқали билдиришни машқлар ёрдамида ўзлаштириши керак. Шу билан бирга, у хар хил оғирликдаги юкни таший олишни, кийимдаги чангни қоқишини, кийим-кечагини тўғирлашни, нарсаларни илиб олишни ва беришни билишини ҳам намойиш қила олиши лозим. Яна қўғирчоклар барча давларга хос ҳаракатларни, саломлашиш, ҳайрлашишни, хар хил миллатнинг ўзига хос жиҳатларини бажара олиши керак. Чунки улар турли замонлардаги турли миллат эртакларидаги персонажлар қиёфасида иштирок этадилар. Агар қўғирчоқлар ифодасида пластика муҳим бўлса, актёrlар тайёrlаш мактабида - „Пластика” фанининг ўқитиши жараёни қандай? Актёrl ўз гавдасини бошқара олиши учун пластика фани жуда ҳам зарур ҳисобланади. Чунки, актёrl саҳнадаги етакчи хатти-ҳаракати асосини ўз пластикаси орқали ифодалаёди. Демак, пластика актёrnинг тана имкониятини онгли равишда тўғри ишлата билиш имкониятини намоён қилишига ёрдам беради. Талабанинг маҳоратини шакллантиришда, унинг саҳнавий ҳаракати фаоллигини ривожлантиришда, психологик жиҳатдан ҳамда бадиий дидини юксалтиришда мусиқийлик ҳамда ифодавий фазилатларини тарбиялашда-пластика фани ниҳоятда аҳамиятли. Драматик театр актёrigа ҳам, қўғирчоқ театр актёrigа ҳам пластиканинг ҳар бир унсури сув ва ҳаводек зарур. Пластика, актёrgа саҳнада мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишини, мусиқани бутун вужуди билан ҳис қилишини ва яратаетган образини

муккамал қилиб ижро этишини таъминлайди. Демак, актөр пластик ҳаракатларни онгли- равища, тўғри, меъерида, ритмга мойил равища ижро этиши саҳнанинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Қўғирчоқ театр актёрги йўналишида, актёрги асосий қуролларидан ҳисобланмиш —қўл” экан, у саҳнада хис қиладиган вужудга айланиши ва тилга кириб сўзлаши бош масалага айланади. Сабаби, актөр ширма ортида бўлади ва фақат қўғирчоқни моҳир қўллари орқали жонлантириш билан ўз ролини ижро қиласди. У драматик театр актёридан фарқли-ширма ортида бўлгани учун, вертикал гавдаси билан ўз ролини ижро этиш имконияти чекланади. Шунинг учун қўғирчоқ театр актёрининг қўли –персонажнинг вужудига айланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундай экан, қўғирчоқ театри актёрининг қўл пластикасини ривожлантириш учун нималар қилиш керак? Биринчи ўринда, қўлнинг шаклидан, тузилишидан келиб чиқган ҳолда, унинг анатомиясини ўрганиб чиқиш лозим. Бизга маълумки, қўлнинг ҳаракатланадиган бўғимлари олтида қисимдан иборат. Улар: 1-бармоқларнинг бошланғич бўғими, 2-бармоқларнинг иккинчи бўғими, 3-бармоқлар билан кафтнинг бирлашган бўғими, 4-кист бўғими, 5-тирсак бўғими ва 6-елкадир. Биз ҳохлаймизми йўқми, қўлнинг бўғимлар ҳаракати чегаралангандай. Чунки, қўл бўғимлари ҳамма тарафга қараб эркин ҳаракатлана олиш имконияти йўқ. Мана шу чегаралангандан холатдан келиб чиқган ҳолда, қўлнинг имкониятларидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Сабаби, бармоқларнинг бошланғич бўғими, ҳаракати, қолган бўғимларига қараганда чегаралангандай, иккинчи ва учинчи бўғимлар фақатгина ичкари тарафга ҳаракатланиш имкониятига эга, кист, тирсак ва елка эса ўз ўқи атрофида айлана олади.

Актөр мана шу имкониятлардан келиб чиқиб, қўлларини ҳаракат тезлигини, эгилувчанлигини, нафис ҳаракатларини онгли равища тўғри бошқаришни ривожлантириши зарур. Буталабларни, бармоқлар ҳаракатини ривожлантирувчи машқлар орқали амалга оширамиз. Бармоқларга, кистга, тирсак ва елка учун, кичик ҳамда катта, тез, секинлаштирилган, оддийдан-мураккаб, кескин ҳаракатга ўтувчи машқлар орқали,

бўғимларимизни чиниқтиришимиз керак бўлади. Кичик ва катта, тез ва секинлаштирилган- –кескин ҳаракатлар”, деб бежизга айтмадик.

Кўлимизга қўғирчоқ олганимизда, унинг образини яратишда - хатти-ҳаракати, ички темпо-ритми, шерикларига ва атроф муҳитга муносабатларини ёритишимизда, қўлларимизнинг ифодавий имконияти бунга тайёр бўлиши керак. Демак, маҳсус машқлар бажариш орқали қўлларимиз яхшигина чиниқкан бўлиши зарур. Актёрга спектакл жараённида, тепага кўтарилиган қўлидаги қўғирчоқни персонаж шароитида, соатлаб ҳаракат қилдириши лозим. Бизнинг қўлларимиз қўғирчоқсиз, фақат ўзини ҳаракатлантирсак ҳам маъно англатиши яъни содда қилиб айтганда –“ғапириши” керак.

Бу масалада муамо кўп. Сабаби, талаба актёрганинг қўли қотиб қолгани, чиниқмагани, маҳорат элементларини ўзлаштирганлиги дархол намоён бўлади. Бу масалада мутахасислик фанларини бир-бири билан мантиқан чамбарчас боғлиқлигини кўрамиз.

Масалан, қўғирчоқ театр актёри талабаси қўлидаги қўғирчоқни ҳаракатлантириб, унинг диалог ёки монологини айтишни бошлагандан, ҳаракат билан нутқ ҳамоҳанглигига птур етади. Нутқ билан ҳаракат бир-бирига уйғунлашмайди.

Сабаби, актёрга онгли равишда қўғирчоқ персонажнинг тана имкониятини, нафис ҳаракатларини, унинг нутқи билан уйғун холда бошқара олмайди. Демак, пластика, сахна нутқи, рақс, сахна ҳаракати ва бошқа мутахасислик фанлари жамланиб-актёрик маҳорати фанига хизмат қилиб, ўз натижасини кўрсатиши соҳа педагогнинг олдига қўйилган асосий мақсади хисобланади.

Хулоса шуки, қўғирчоқ бошқарувини ўрганган, мўжизавий салоҳият эгаси бўлган актёрга одам анатомияси қонуниятларига таяниб, танани турли вазиятларда тута билиши, қўл билаклари, тирсаклари, елка, бел ва оёқларни ҳаракатланиш йўсинларини билиб олиши соҳа талабидир.

Бу талаблар, анатомик жиҳатларни жонсиз бўлган қўғирчоққа,- ҳайвонот дунёсини, одамларни, предметларни ҳам –жонлантириш” имконини беради.

Бу имконият, одамнинг аъзойи-бадани эластилик хусусиятини- эгилиб, букилиб, туриш, ўтириш бошқа харакатларда эса пружина ва рессор механикасини татбиқ қила билиш каби физиологик ҳамда психологик маҳоратни талаб қилади. Бундай имкониятлар фақат қўғирчоқ театрига хос хусусиятлардир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. П.В.Симинов —*Метод Станиславского и физический эмоции*”. М.: 1962,
2. Ж Маҳмудов. Актёрлик маҳорати. – Т.: Талқин, 2005.
3. М. Қодиров, С. Қодирова. Қўғирчоқ театри тарихи. – Т.: Талқин, 2006.
4. Д. Абдуллаев. Л. Усманова. Қўғирчоқ бошқарши асослари. Т.: 2014.
5. Н. Мирсаидова. Р. Ўтаганов. Қўғирчоқ бошқарши асослари – Т.: Замон полиграф, 2015.

## **ТАРИХГА МУҲРЛАНГАН УМР**

**Азимжонова Азима**  
ЎзДХА 1 курс талабаси  
Илмий раҳбар - доцент З.К.Фазлиева

**“Инсонлар бор тирикликда –ўликдир,  
инсонлар бор – ўлганда ҳам тириклидир”**

Бугунги 2021 йил 23 февраль чоршанба кун ҳаётимдаги унутилмас кун бўлиб қолди. Устозимиз, доцент Зебо Камарбековна Фазлиева бизни Тамараҳоним уй-музейига олиб бордилар. Биз ўқувчилар бу музейга биринчи маротаба боришимиз эди. Бизга Тамараҳонимни ҳаётликларида кўриш насиб этмаган. Бизга Тамараҳоним тарихий ва ҳужжатли фильмлар орқали, видео-ёзувлар, турли-хил китоблардаги суратлари орқали таниш. Унинг ўзбек санъатига бағишилган ҳаёти, унутилмас санъати хақида ўқиганмиз холос.

Уй-музейга киришданоқ мен тарихга қайтгандай бўлдим. Бугун менинг кўз ўнгимда тарих жонлангандай бўлди. Биз бир катта залга кирдик. У ерда сақланиб келаётган ҳар-бир экспонат мени ҳайратда қолдирди. Тамараҳоним чалган шахсий мусиқа асбоблари, яъни чанковуз, дутор, доира, ноғора ҳамда Тамараҳонимнинг бир-биридан чиройли тақинчоклари, буюк хизматлари учун давлатимиз томонидан берилган орден ва медаллари, турли ҳил гувоҳномалари, ҳатто ўша даврнинг тикув қўл машиналари бор эди.

Яна алоҳида эътиборимни тортган нарса бу - экспонат сифатида музейдан жой олган генераллик либоси ва деворда осилган турли суратлар бўлди. Бу суратлардан бирида Тамараҳоним турмуш ўртоғи Мухиддин Қори Ёкубов ва композитор Арам Ильич Хачатурян билан, устозлари Уста Олим Комилов, Юсуфжон кизик Шакаржонов, Мухиддин Қори Ёкубов, Жўрахон Султонов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов, Мукаррама Турғунбоевалар билан, онаси ва опа-сингиллари билан бирга тушган суратлари, яна бир қанча ажойиб суратларда тарих муҳрланган.



Биз катта залга чикдик. Залда Тамараҳонимнинг турли ҳил давлатлардан олиб келган, ижодий фаолиятида фойдаланган бир-биридан гўзал концерт либослари, тақинчоқлари ва пойабзаллари бор эди. Залнинг ўртасида Мухиддин Қори Ёкубов ва Тамараҳонимнинг ҳайкали, тўрида эса Тамараҳоним чалган чиройли қора рангли тарихий рояль бор экан. Музей ходимлари ҳозирги кунгacha ҳам рояль клавишларидан жуда юмшок ва чиройли товуш чиқаришини айтишди. Рояль ёнида турли ҳил

давлатлардан совға сифатида келтирилган, турли шаклларга эга чиройли ранглардаги кўзалар, катта ойна ва қадимий тогоралар, ажойиб сувенирлар, кичик - кичик идишлар, ёзувли нақшинкор безакли лаганлар бор. Роялнинг чап тарафидаги деворда Тамарахонимнинг кизи, ўнг тарафда эса куёви чизган жуда ҳам қимматбаҳо сурат ҳамда ўша вактлардаги афишалар мавжуд. Экспонатлар қаторидан мустакиллигимиз асосчиси, биринчи Президентимиз томонидан совға килиб берилган телевизор ҳам жой олган. Сўнгра Тамарахонимнинг шахсий кутибхонасиға кирдик. У ерда кўплаб китоблар бўлиб, улар орасида ўзбекистон ҳалк шоири Туроб Тўла асарлари ҳам бор эди. Кейин ошхонасиға кирдик ва у ерда Тамарахоним фойдаланган музлатгич ва бошка кўплаб ошхона буюмлари сақланаётганини кўрдик.

Ўртасида узун столи бор яна бир хонага кирдик ва ҳаммамиз стол атрофига ўтиридик. Устозимиз бизга Тамарахоним ҳаёти ва ижоди, ўзбек ракс санъати тарихида алоҳида ўринга эга бўлган ишлари, ҳаётий воқеалар ҳакида гапириб бердилар. Сухбат давомида Тамарахонимнинг Улуғ Ватан уруши йилларида фронт орти ва фронт ичида олиб борган қаҳрамонликлари, таҳсинга лойиқ ишлари ҳакида қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Бу сухбат бизнинг ҳаммамизга жудаям ёқди ва катта таъссуротларга бой бўлди.

Музей жудаям озода, чиройли ва албатта шинам эди. Биз уй-музейда ҳизмат қилувчи ходимлар билан ҳайрлашишдан олдин эсадалик учун суратга тушдик.

Менинг кўз ўнгимда бутун ҳаётини ўзбек рақс санъатини оёққа қўйишга бағишилаган, ўзбек рақс мактаби асосчи деб тан олинган Тамарахоним “**буюк шахс**” сифатида намоён бўлди. Тамрахонимни ҳакикат ҳам “**Шарқ марвариди**” деган номга муносиб деб ўйлайман. Унинг номи ўзбек ракс санъати тарихига абадий муҳрланган.

Бизга Тамарахоним уй-музейи жудаям ёқди. Сизларга ҳам ушбу музейга ташриф буюришни тавсия қиласман. Мен бу музейга яна албатта бораман. Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Тамарахоним кўчаси, 41-уй.

# **KITOBOXONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA REKLAMANING O,RNI**

**Akramova Aziza Asrorovna**

Ozbekiston davlat san‘at va madaniyat instituti

Kutubxona va axborotlashtirish fakultetining

1-kurs talabasi, –Yosh tadqiqotchilar” to garagi a‘zosi

**Xolova Shaxnoza Mardonovna**

Ozbekiston davlat san‘at va madaniyat instituti

–Sahna harakati va jismoniy madaniyat” kafedrasi o‘qituvchisi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada kitobxonlikni rivojlantirishda reklamaning ahamiyati, reklamaning turlari, shakllari, mohiyati va mazmuni to g risida so z boradi.

**Kalit so`zlar:** kitob, kutubxona, reklama, axborot.

Hozirgi kunda barcha sohalarda reklama juda katta ahamiyatga ega. Chunki ijtimoiy hayotni bugungi kunda reklamasiz tasavvur etib bulmaydi. Mahsulot ishlab chikarish, uni sotish uchun har bir korxona, shaxs o ziga xaridor chaqiradi. Bu jarayonda esa, albatta, reklamadan unumli foydalaniladi.

Axborot-kutubxona muassasalari ham reklamaning bir necha turlaridan, ya‘ni ichki va tashki reklamalardan foydalanishadi. Kutubxonada reklama - bu kutubxonaning xizmatlari va mahsulotlari tug risida axborotlar hisoblanadi. Bunga kutubxona ichkarisining kitobxonlar didiga mos gullar va bezaklar bilan bezatilishi, yorug va shinam bo lishi bilan birgalikda kutubxonaning ish va a‘zo bo lish tartibi, bo limlarning joylashganligi haqida ma‘lumotlar, yozuvlar, ko rsatkichlar bo lishi lozim. Kutubxonadan tashkarida bo lgan reklama esa kirish joylarining did bilan bezatilishi, kitobxonni jalb kilish uchun tashkaridan kutubxona inosining kosmetik ta‘mirlanishi, deraza pardalarining did bilan o rnatilishi, kirish joyda gullar, plakatlar bilan bezatilishi maksadga muvofikdir. «Reklama» lotincha so zdan olingen bulib «reclamare» - «chaqiriq, baqiriq, jalb qilish» ma‘nosini bildiradi.

Qadimi Sharqda ham reklama dastlab kerakli orinda namoyon bolgan. Sharq bozorlardagi «Ob qoling, kep qoling», «Olganlar darmonda, olmaganlar armonda» degan iboralar ota-bobolarimizning oziga xos reklama bilan shugullanganliklariga dalildir.

1450-yilda Guttenberg Yevropada bosma varaqalarni ishlab chiqara boshladi. Guttenberg kashfiyotini qabul qilgan angliyalik Uilyam Kokoston 1473-yili birinchi reklamasini bosma varaqada chiqaradi. Bu varaqalarda diniy kitoblar tarqibot qilingan edi.

Ma'lumki, kutubxona - axborot manbai va maskani, undan kishilar oziga kerakli barcha ma'lumotlarni olishi mumkin. Lekin kitob va kutubxona reklamasining yetarli darajada yulga kuyilmagasligi sababli kishilar kerakli axborotni qidirib, ovora bolib yuradilar.

Hozirgi kunda kucha-kuyda, televide niye va radio kanallarida mexmonxona, restoran va kafe, bank, ozik-ovkat va boshka turdag'i maxsulotlarning reklamasini kuplab uchratamiz. Bunday reklamalar sonining kun sayin ortib borishi, albatta, ijobiy xolat sanaladi. E'tibor berib qarasak, bu reklamalarda tish tozalovchi pastadan tortib, zamonaviy texnika vositalarigacha bolgan maxsulotlar reklama kilinadi. Ajablanarli jihat shundaki, bunday reklamalar orasidan har qancha axtarmang biron-bir kutubxonaning yoki kitobning reklamasini kurmaysiz.

Afsuski, oddiy tish pastasi-yu eng zamonaviy maishiy xizmat anjomlari, turli xil servis xizmatlari-yu mehr-oqibat, ogoxlikka da'vat qiluvchi reklama roliklari orasida ma'naviy axamiyati juda muxim hisoblangan yoki bir ilmiy kashfiyotning dunyo yuzini kurishiga asos bolayotgan kitob atalmish beba ho manba reklamasining yuqligi nafaqat ajablanarli, balki, achinarli holat. Xatto axborot-kutubxona muassasalari joylashgan hududlarda ham kitob va kutubxonaning reklamasini uchratish amrimahol. Shuning oqibati bolsa kerak, odamlardan kutubxonaning qayerdaligini sorasangiz aksariyat insonlar yelka qisib qo'ya qolishadi.

Ma'lumotlarga kora, reklamaga sarflanadigan 10 dollar (ortacha hisobda) 290 dollar bolib qaytar ekan. Tovar va maxsulotlar reklama qilingach, bir necha marotaba foyda keltirar ekan. Shu orinda savol tugiladi kitob yoki kutubxonalar reklama qilinsa qanday manfaat

keltiradi? O<sub>q</sub>uvchilar kitob o<sub>k</sub>ib, ilm olib, kutubxonalardan foydalanishi natijasida tovar yoki maxsulot reklamasidan keltirgan foydadan bir necha un yoki bir necha yuz marotaba jamiyatga foyda keltirishi shubhasiz.

Inkor qilmaymiz, televide niye va radio kanallarida ba'zan mutafakkirlarimiz, olimlarimiz, yozuvchi va shoirlarimizning xayot va ijodlaridan namunalar berib boriladi. Bundan tashkari «Kitobxon», «Zako-vat», «Bilimdon» intellektual uyinlari kursatuvlari mavjud. Lekin televide niye yoki radioda kutubxona, kitob va kitobxonlik masalalariga bag<sub>ish</sub>langan alohida ko<sub>rs</sub>atuv yoki eshittirish tashkil etilmagan.

Axborot-kutubxona muassasalarida buklet, radio va televide niye orkali kursatuv va intervyular berish, gazeta va jurnallarda maqolalar berish, ekskursiyalar tashkil etish, shuningdek, kutubxonaning veb-sayti orqali turli xizmatlarni tavsiya va tashkil etish turlaridan foydalanishadi.

Kitob reklamasiga esa kitob, savdo yarmarkalari, vitrinalar (peshtaxtalar), nashriyotlarning mavzu-rejalari, matbuot nashrlari orqali, kino va teatrлarda, radio va televide niyeda kitob targ<sub>ib</sub>oti, sovg<sub>a</sub> va mukofotlar orqali reklama, bosma reklama nashrlari, kitob sharxlarini misol qilib keltirish mumkin. Lekin bu bilan kitob va kutubxona reklamasini kungildagidek deb bulmaydi. Buning uchun kelajakda kitob va kutubxona reklamasini yanada jonlantirish, reklamaning turli zamonaviy usullarini amaliyotga joriy kilish zarur. Reklama xakida yukoridagi ma'lumotlarni keltirishdan maksadimiz yurtimizda kutubxona ishi reklamasini yanada yaxshi yulga quyish bilan birgalikda kitoblar haqida ma'lumotlarni berib borish orqali kitobxonlarni yanada kuproq kutubxonalarga jalb qilishdan iboratdir.

### ***FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR***

1. Mirziyoyev SH.M. *Taqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo<sub>lishi</sub> kerak.* T.: «O<sub>z</sub>bekiston», 2017. -104-b.
2. Matjonov S. *Maktabda adabiyotdan mustaqil ishlar (o<sub>q</sub>ituvchi uchun metodik qo<sub>llanma</sub>).* – T.: «O<sub>q</sub>ituvchi», 1996. -208-b.

# **ENG KATTA FOJEA - BU BILIMSIZLIK!**

## **Abdukodirova Muxlisa Rasuljon qizi**

Ozbekiston davlat san'at va madaniyat instituti, Kutubxona va axborotlashtirish fakulteti, 1- kurs talabasi, —Yosh tadqiqotchilar” to garagi a‘zosi

«Ovropa xalqi osmonga uchar ekan, bizda soch-soqol nizolari, ovropalilar dengiz ostida suzar ekan, bizda uzun-qisqa kiyim janjallari, Ovropo shaharlari butun elektrik bilan isitilur va yoritilur ekan, bizda maktablarda jog'rofiya va tabiyot o'qitish, o'qitmaslik ixtiloslar...davom etadi»

Munavvar qori Abdurashidxonov

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada jamiyatimizda bilimga bo'lgan e'tibor, yoshlarimizning ilmiy salohiyatining Vatimiz rivojlanishidagi ahamiyati haqida soz boradi.

**Калит сўзлар:** bilim, yoshlar, oila, jamiyat, o'qituvchi, ta'lim, madaniyat, fan.

Jamiyatimizda ilmga bo'lgan, bilimga bo'lgan yondashuv turli davrlarda turlicha bo'lgan. 120 yil oldin jadidchilarning yetakchisi bo'lgan Munavvar Qori Abdurashidxonov tomonidan aytilgan gaplar afsuski bugungi kunga ham to'g'ri keladi.

Faqat sal boshqacharoq talqinda: «Yevropa va Amerika koinotni bo'lib olayotgan bir paytda, biz bilimsizlik orqasidan paydo bo'layotgan tartibsizliklar bilan ovvoramiz, Yevropa, Amerika, Sharqiy va Janubiy Osiyo har qanday sohada yetakchilik qilar ekan, biz hamon ajdodlarimiz qilgan ishlar bilan maqtanmoqdamiz va eng ayanchlisi esa, bizning kelajagimiz deyayotgan yoshlar kitob o'qishdan ko'ra, qimmatli vaqtlarini internetda befoyda narsalarga sarflayotganidir»

Mayda muammolarga e'tibor qaratmayapmiz. Lekin har qanday katta yo'qotishlarga kichik ixtiloslar sabab bo'ladi.

Agar biz kengroq fikrlab ko'rsak, bugungi holatimiz achinarli ahvolda va bu mulohazalar aslida kichik muammolar emasligini ko'rishimiz mumkin. Har qanday kasb va hunar egasi o'zining kasbi bo'yicha yaxshi bilim va ko'nikmaga ega bo'lishi, jamiyatda

bilimsizlikka olib boradigan yo'lning yopilishiga, xalqning rivojlanishiga olib boradi.

E'tibor qaratilayotgan va sharoit yaratilayotgan qatlam ya'ni biz yoshlар va pedagoglar bu masalaga har qachongidan ham jiddiyroq yondoshishimiz kerak.

Albatta sifatli ta'lim berish bilan birga, yoshlarni qiziqishidan kelib chiqib yondashayotgan o'qituvchilar ham talaygina. Lekin o'qituvchilik kasbining neqadar katta ma'suliyatligiga qaramay, pedagogik bilim va ko'nikmaga ega bolmay, o'quvchilarga sifatsiz ta'lim berayotgan pedagoglar ham bor.

Xususan, har bir o'qituvchi ta'lim berarkan, har kuni, o'z ustida ishlab yoshlarga bilim berayotganini his qilib tursa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Bugun ota-onalar, qo'llarida pult bilan, televizorda bir kanaldan ikkinchi kanalga olar ekan, harchand farzandlariga: «bor, kitob o'qi!» - deyishi qanchalik maqsadga to'g'ri keladi, sizningcha?

Bizni qandaydir turk seriallari qahramonlari qiziqtirishi kerak emas, balki, o'z farzandlarining taqdiri havotirga solishi kerak-ku, aslida. Yana bir masalaga ham e'tibor qaratishingizni so'ragan bo'lar edim.

Hurmatli ota-onalar, nega farzandingizni ta'lim-tarbiyasi bilan faqat ta'lim dargohlari shug'ullanishi kerak? To'g'ri, o'qituvchilar shuning uchun oylik olishadi.

Lekin qars ikki qo'ldan chiqadi. Siz qo'lingizda telefon bilan o'tirasiz, yana bolangizni tarbiyasidan noliysiz. Rivojlangan davlatlarda ota-onalar ishdan charchab kelishsa ham qo'liga pult emas, o'qimasa ham kitob oladi.

Maqsad farzandni mutolaaga bo'lgan qiziqishini oshirish. Mashhur fransuz faylasufi Frans Bekon:

«Kitoblar tafakkur durdonalarini avloddan avlodga yetkazuvchi aql kemalaridir», - deb bejiz ta'kidlamagan.

O'zbek oilalarida ham o'qish odati va madaniyatini shakllantira olsak, farzandlarni jamiyatdagi o'rni ortishi bilan birga o'zingiz ham vaqtidan unumli foydalangan bo'lasiz va fikrlash doirangiz ham kengayib boradi.

Jamiyat rivojlansa davlat ham rivojlanadi. Biz maqtanib yurgen bobokalonlarimizni yurtimizni dunyoga tanitishiga ota-onalari, yaqinlari turtki bo'lgan.

Yoshligidan kitobga, ilmga muhabbatni oshirishga onalari yoki otalari sababchi bo'lishgan-ku! Hammamizga mashhur bo'lgan Alisher Navoiy bobomizni ham yoshligida uylarida to'g'alari, otalari ishtirokida g'azalxonlik kechalari bo'lganini eslang. Biz esa bugun televizorda serial ketidan seril ko'ramiz.

Orangizda bu vaziyatga befarq bo'limgan kishilar aytishi mumkin: «Biz islohatlarni bosqichma-bosqich amalga oshiramiz» - deb. Tan olish kerak, albatta, mustaqillikning ilk yillaridan to shu kunga qadar yurtimizda ta'lim tizimi, pedagogika, meditsina va boshqa sohalarni isloh etishga qaratilgan amaliy ishlar o'z tasdig'ini topmoqda, ayniqsa, so'nggi yillarda.

Ammo, millatdoshim, o'zingizni ham, atrofingizdagilarni ham aldamang. 30 yildan buyon bosqichma-bosqich deb kelganimiz yetadi. Yaponiya 2-jahon urushidan so'ng sanoqli yillar ichida o'z iqtsodiyotini tiklab olidi va bugun dunyoning eng rivojlangan davlatlar qatorida turibdi.

Bu darajaga erishishini sabablaridan biri zamonaviy ta'lim tizimini yarata olganidir.

Biz esa bosqichma-bosqich deb o'tiribmiz va O'zbekiston ta'lim sifati bo'yicha 2020-yil holatiga ko'ra 189 ta davlatning ichida 71-o'rinda.

Tartibga solish kerak bo'lgan, to'xtalib o'tadigan nuqtalar ko'p. Shu bilan birga o'ziga xos milliy yo'limizning ijobiylari ham bor, albatta. Jumaladan, mamlakatimizda keyingi yillarda yuz berayotgan o'zgarishlar, yangilanishlar jarayoni jadal ketmoqda.

### ***ADABIYOTLAR***

1. *Mirziyoyev, Shavkat Miromonovich Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birligida barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bagishlangan Oliy Majlis palatalarining qoshma majlisidagi nutq – Toshkent : O'zbekiston, 2017. - 56 b*

2. *Munavvar qori Abdurashidxonov —Tandigan asarlar”, Toshkent —M'naviyat” 2003 yil, 58 bet.*

# **ШАХСНИ ШАКЛАНТИРИШДА МУМТОЗ ТЕАТР АСАРЛАР ЎРНИ**

## **Бахромова Нодра Бахром қизи**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, –Ҳалқ ижодиёти” факультети” талабаси, –Ёш тадқиқотчилар” тўгараги аъзоси

**Аннотация.** Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга қўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътиборда бўлади. Ушбу мақолада ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда мумтоз театр асарларининг ўрни ҳақида мулоҳаза юритилади.

**Калит сўзлар:** театр, ёшлар, мумтоз, маънавият, санъат, комиллик.

Бугун ёшларнинг билими, маънавият ва тарбияси ҳақида сўз борар экан, бу ҳақдаги билимларимизни такомиллаштириш, дунёқарашимизни кенгайтириш ҳамда ёшларни ана шу йўлда бирлаштириш, камол топтиришда миллий ғоя хусусида тўхталиш муҳимдир. Чунки тараққиёт ва техника асри деб аталмиш XXI аср ёшлари қалбида маънавий бойлик, комил инсон даражасига эришиш, элу-юрга садоқат ҳамда мухабbat туйғуларини шакллантиришдек эзгу мақсад ётади.

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салохиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатlam саналади. Зоро, ҳар бир жамиятнинг холати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти, билими ва онглилиги даражаси билан белгиланади.

Ёшлар ўз номи билан шижаатга тўлиқ қатlam ҳисобланади. Шижаатли инсонлар албатта санъат асарларидан ҳам ана шундай жўшқинликни талаб этадилар.

Ўзбекистондаги ёшлар театрлари жамоалари ҳам ана шу талабни англаған ҳолда асарларни саҳнага олиб чиқишида ўзига хослик йўлларини излашмоқда.

Классик асарларни кўпроқ ёшлар қатламига муносиб равишда саҳналаштиришга интилмоқдалар. Классик асарлар ўзининг чуқур тарбиявий аҳамияти, ахлоқ-одоб масалаларининг биринчи ўринда туриши билан фарқланади. Ўзбекистон Ёшлари театри мустақиллик йилларида жаҳон адабиёти дурдоналарига айланган, асрлар давомида ўз қийматини йўқотмай, балки ҳар бир янги талқинида янги маънолар қасб этаётган классик асарларга қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар.

У аввало инсонни қаҳрамонлик рухи билан суғорилган гўзал ҳаёлот оламига олиб киради.

Ёшларни ўзига жалб этувчи мавзу – бу аввало муҳаббат мавзусидир. Ҳам ички, ҳам ташқи гўзаллик эгаси шахзода Калафнинг чин муҳаббати томошабинни ҳам ана шундай ҳақиқий туйғуларга ошно этиши табиий.

Пьеса композицияси ва воқеалар тизими ўзбек анъанавий театри драматургиясига яқин.

Ҳар бир саҳна пьесанинг алоҳида ғоявий мазмуни ва сюжетини ривожлантириб, шу билан бирга ҳар бири ўзича тугалланиб, асарнинг бош ғоясини тўлдириб боради.

Турли саҳналарда инсонларнинг турлича ижобий ва салбий жиҳатлари юмор ва сатира йўли билан очиб берилган воқеалар кинематографияга хос алоҳида бир тезлик билан, ўта нозик маромда ривожланиб боради.

Яхлитликда, бир бутунликда бу кичик саҳналар ҳалқ ҳаёти, инсоний муҳаббатнинг дунёдаги барча нарсалардан ҳам муҳим экани очиб берилади.

Классик асарларни замонавийлаштирган ҳолда саҳналаштириш, ҳозирги кун томошабин учун тушунарли ва яқин қила билиш осон эмас.

Замонавийлаштириш деганда биз нималарни назарда тутишимиз лозим?

Аввало, классик асарларни саҳналаштиришда ўзбек театр санъати эришган анъаналарни ўрганиш, улардан ҳозирги кун учун керакларини сақлаган ҳолда замонавий услубларни топа билиш жуда муҳим.

Айниқса бу борада режиссёргининг роли катта. Классик асарларни замонавий кўз билан кўра билишда режиссёргининг замон билан ҳамнафаслиги, замонани ҳис эта билиши, ўзигагина хос услублари аҳамиятли.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, театрларда режиссёргининг ўрни қанчалар муҳим бўлса, актёrlар ижроси, сценография, спектаклга мусиқий безак беришда ҳам янги услублар излаш ва янги саҳна кўринишлар топа билишга жуда муҳтож.

Лекин, шуни таъкидлаш керакки, топилган топилмалар муаллифларнинг ғоясига тамоман зид бўлмаслиги зарур. Аксинча, у муаллиф ғоясини тўлдира бориши, драматик асарнинг ижтимоий ва тарихий аҳамиятини томошабинга етказа билиши муҳим омилдир.

Классик асарларни саҳналаштириш театр жамоасининг барча аъзоларидан бир бутунликни талаб этади.

Классик асарларнинг муваффақият билан саҳналаштирилиши театр жамоасининг етуклиқ даражасини белгилаб берди.

Шу сабабли ҳар бир асарнинг театр ижодий имкониятларини ҳисобга олинган ҳолда репертуар режасига киритилиши муҳимки, тасодифий ҳолда шошма-шошарлик билан асарларнинг саҳналаштирилиши ҳеч қачон театр учун ҳам, режиссёр ва актёrlар, ҳам муваффақият келтирмаган.

Чунки бундай асарлар доимо узоқ тайёргарлик, руҳан ва маънавий, ижодий тайёргарликни талаб этади.

Ана шу омиллар қизиқарли ва замон талабига жавоб бера оловчи саҳна асарлари юзага келишининг шартидир.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистоннинг янги қиёфасинин яратишда миллий маданиятнинг ўрни ва аҳамияти (Маданият ва санъат соҳасидаги масалалар муҳокамасига бағишиланган ииғилишдаги маърузаси). —Ҳлқ сўзи” газетаси, 2017 йил 26 декабрь.

2. Шодмонова Ш, Хошимова М, Файзуллаева Н. —Тарбияий ишлар услубиёти”. Ўқув қўлланмаси.-Т.: ТДИУ,2007, 178 б.

3. Қодиров М.Ҳ. Сеҳр ва меҳр. —Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1980 й.

# **БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ШАХС ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ**

**Ғафарова Барно Ҳаким қизи**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти –Театр санъати” факультетининг Кўғирчоқ актёrlиги таълим йўналиши талабаси, –Ёш тадқиқотчилар” тўгараги аъзоси

**Холова Шахноза Мардоновна**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,  
–Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Бадиий адабиётнинг инсон руҳиятини, ҳатто унинг шахсиятини шаклланиши ва ривожидаги ўрни бекиёсдир. Кўплаб буюк шахслар машҳур бўлишларида, ўзлари эришган ва етишган олий даражаларда бадиий адабиётнинг ўрни ва аҳамиятини эътироф этишади. Масалан, Алишер Навоий юз мингдан ортиқроқ байтни ёддан билган. Бу байтларнинг энг сара, энг нодир бадиий дурдоналар бўлганлигига шубҳа йўқ.

**Калит сўзлар:** адабиёт, шахс, бадиий, буюк, комиллик, ижтимоий, жамият.

Бадиий адабиёт алоҳида шахсга ҳам, бутун жамиятга ҳам кучли даражада таъсир кўрсата олиш имконига эга. У жамиятнинг ўз-ўзини англашида, уни инсонпарварлаштиришда бекиёс имконларга эга. Адабиёт ижтимоий онгнинг кўринишларидан бири сифатида ўзида халқ хотирасини мужассамлаштиради, унинг ахлоқий маънавий қадриятларини асрлардан асрларга, аждодлардан авлодларга олиб ўтади.

Хозирги кунда, таассуфки, бадиий асарга ноижодий ёндашиш ўқувчи омманинг аксариятига хос бўлиб қолаётир. Кўпчилигимиз бадиий асарни маънавий-рухий имкониятларимизни кенгайтириш эҳтиёжи билан эмас, кўпроқ ҳордиқ чиқариш нияти билан ўқийдиган бўлиб қоляпмиз. Дўконларимизда ялтироқ муқовали, олди-қочди гапларга тўла китоблар салмоқининг ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Тоталитар ёндашув натижасида кўпчилик асардан воқеа қидиради, бу тоифа учун «Ўткан кунлар» Отабегу Кумушнинг саргузашларидан бошқа

нарса эмас, «Кутлуг қон» - Йўлчи билан Гулнор севгиси-ю бир абраҳ бойнинг тўғаноқ бўлиши, холос...- хуллас, биз воситани мақсад деб тушунадиган бўлиб қолаяпмиз.

Бугун ахборотлар оқими шиддат билан кучайиб бораётган, компьютер ва умуман техника олами инсон ҳаётида тобора кенгроқ ва мустаҳкамроқ ўрин олиб бораётган бир замонда китоб ўқиш, китобхонлик муаммосининг янада долзарблиқ касб этиши сир эмас. Зоро, китоб ва китобхонлик инсон маънавий оламининг ажралмас қисми экан, китоб ўқишини ўрганиш, китобхон маънавиятини шакллантириш таълим-тарбия жараёнидаги энг асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Ёшлар ҳар қандай китобни ўқиганда унга онгли, энг муҳими, эстетик муносабат билдира оладиган, ундантаъсиранадиган, завқланадиган даражага этиши учун биринчи навбатда китоб ўқилиши, завқ билан ўқилиши, китобхон ундан тегишли ҳузур ва руҳий қаноат туйиши керак. Буни ихчам тарзда “эстетик тўйиниш” деб ифодалаш мумкин бўлар. Аммо бу даража орзу, холос. Унга эришмоқ учун янги-янги иш усулларини, адабий таҳлилнинг муносиб шакл ва кўриншларини, бадиий матн мазмунига, моҳиятига этишнинг турфа йўлларини, хусусан, муносиб изоҳ ва шарҳларга, муайян ижодкор ёки алоҳида олинган бадиий асар қатида мужассамлашган янги поэтик оламга хос бўлган бадииятни идрок этишга, мушоҳада қилишга имкон берадиган иш турларини қўллаш эҳтиёжи қўпроқ билинмоқда.

Бадиий адабиёт яхши инсоний фазилатларни тарғиб қилишга, урушни, зўравонликни қоралаб, тинчликни, халқларнинг осойишта ҳаёти ва ўзаро дўстлигини улуғлайдиган, хунуқликдан нафратланиб, гўзалликни тарғиб этадиган, ўсиб келаётган авлодга юксак маънавий фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланшига имкон берадиган хислатлари билан эътиборлидир.

Таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов уқтириб ўтганидек: «Адабиёт ўқувчини тарбиялаш учун унинг онги, фикригагина эмас, қалбига, завқига, туйғуларига ҳам таъсир этишикерак. Шундай асарларгина чинакам санъат намунаси деб аталиш ҳукуқига эга»

Айрим асарларнинг яратилиши, асар муаллифи, асардаги қаҳрамон ва образлар, унда тасвирланган воқеа-ходисалар мөхиятини чуқурроқ англаш учун тарихий шароит ва географик мухитни билиш зарурати ҳам пайдо бўлади. Бу ўз-ўзича адабиёт ўқитиши методикаси фанининг тарих ва география фанлари билан доимий алоқада бўлишини тақазо этади. Мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат ва бошқа санъат турлари билан алоқадорлик ҳақида гапиришга ҳожат йўқ.

Адабиёт Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида ҳар доим жуда катта ижтимоиймаънавий аҳамиятга эга бўлган. Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса - миллат яшар» деган фикри бежиз эмас.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Айзерман Л. Пятьдесят лет спустя. Статья первая. - // Литература в школе, 2006, № 6, с.25. (25-28)
2. Ўша китоб, 188-бет. 2 Ў.Хомидий. Кўхна Шарқ даргалари. Бадиий-илмий лавҳалар. – Т.: Шарқ, 1999, 28-бет.
3. Форобий. Афлотун қонунлари мөхияти.- // Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашириёти, 1993,23-бет.
4. Ўша китоб, 30-бет. 5 Форобий. Фозил шаҳар одамлари қарашлари.- // Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашириёти, 1993, 159-160-бетлар.

## **OMMAVIY BAYRAMLARNI TEATRLASHTIRISHNING AHAMIYATI**

**Hakimboyeva Gulshoda Berdinazar qizi**

O‘zbekiston davlat san‘at va madaniyat instituti –Халқ ijodiyoti” fakulteti talabasi, –Yosh tadqiqotchilar” to‘garagi a‘zosi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ommaviy bayramlarni teatrlashtirishning ahamiyati bayon qilingan.

**Kalit so‘zlar:** ommaviy bayram, teatrlashtirish, ijodiy jarayon, kompozitsion tuzulish, rejissor, dramaturgiya, g‘oyaviy-badiiy syujet, tomoshabin.

Xalqning an'analari va bayramlari deyilganda, xalq hayoti va turmushiga singib ketgan, avloddan avlodga meros bo'lib kelayotganб

muayyan davr taqazosiga ko'ra ma'lum vaqt ichida va ma'lum sabablarga ko'ra muntazam uyushtirilib turiladigan madaniy ommaviy shakllar yoki tadbirlar tushuniladi.

Qadimdan bayramlar inson hayotining eng muhim tarkibiy qismi hisoblangan. -Bayram xalqning shodlik va xursandchilik kundir"- degan edi XI asr Sharqning buyuk olimi. Mahmud Qoshg'ariy. Haqiqatan ham inson hayotini bayramlarsiz tasavvur etib bo'lmaydi.

Ommaviy bayramlarning ommabopligi shundaki, birinchi navbatda, u amaliy namoyish etilganda, o'zining chuqur ijtimoiy-psixologik ildiziga ega ekanligi namoyon bo'ladi. Ommaviy bayramlar ba'zi bir tashkilotchi yoki tashkilotning xohishiga qarab o'tkazilmasdan, balki keng xalq ommasining bayramga bo'lgan ma'naviy ehtiyoji tug'ilganda o'tkazilsa, haqiqiy bayram tomoshasi yuzaga keladi.

Ommaviy bayram va tomoshalar ssenariysini yaratish jarayoniga jiddiy yondashish lozim. Ssenariy to'laqonli adabiy-badiiy asar hisoblanadi. Badiiy-ommaviy tadbirlarni tayyorlash-bu eng avvalo ijodiy jarayondir.

Joylarda tashkil etilayotgan bayram va tomoshalarning tarbiyabiy ahamiyatiga katta e'tibor berish lozim. Bayramlar ssenariysini yaratishda uning badiyiligiga, tarbiyaviy ahamiyatiga, sahnalashtirishda milliy qadriyatlar, urf-odatlarning g'oyaviy talqini kabi masalalar birinchi navbatda inobatga olinishi zarur. Badiiy-ommaviy tadbirlar tayyorlash jarayoni haqida so'z yuritar ekanmiz, avval uning dramaturgiyasiga diqqatimizni jalb qilamiz. Teatrlashtirilgan tadbirlarning kompozitsion tuzilishi muqaddima, tugun, asosiy harakat, voqealar rivoji, kul'minatsiya, yechim kabi komponentlarni o'z ichiga oladi.

O'zbekistonda ommaviy tadbirlarni tashkil etish borasida ko'pgina muvaffaqiyatli ishlar amalga oshirilgan bo'lsada, sohada ayrim xato va kamchiliklar mavjud. Bayramlarni tashkil etishda barchaga ma'lum sodda usullardan voz kechgan holda ish olib borish rejissorlar oldida turgan muhim vazifalardandir.

Shu o'rinda ommaviy tadbir va bayramlarni tashkil etishda teatrlashtirish uslubiyoti keng qo'llanilmoqda. Bu avvalo aniq maqsadga qaratilgan, badiiy obrazlar yaratilgan teatr qonuniyatları

asosida dramaturgiya talablariga javob beradigan usuldir. «Teatrlashgan tadbirlarning alohida qismlari mexanik tarzda birlashmaydi balki organik tarzda sintezlashadi. Bu qismlar nafaqat tadbir mavzusi va g'oyasi asosida balki kompozitsion tuzulishi jihatidan ham birlashadi».- deb yozadi Usmon Qoraboyev o'zining «Badiiy-ommaviy tadbirlar» kitobida.B. Sayfullayev rejissorlik faoliyati davomida konsert bayram va tomoshalarni sahnalaشتirishda teatrlashtirish usullariga ko'p marotaba murojaat qilgan. Teatrlashtirilgan tadbirda- eng avvalo, yagona g'oyaviy-badiiy syujet va kompozitsion tuzulish bo'lishi kerak.

Teatrlashtirilgan tomosha teatr va dramaturgiya qonunlari asosida tuzilgan badiiy-obrazli kompozitsiyaga ega bo'lgan madaniy-ommaviy tadbirlardir.

Teatrlashtirish real voqelikni badiiy jihatdan ifodalanishi hamdir. Hayotiy materialni teatrlashtirish tarbiyaviy vosita nuqtai nazaridan ham qaratiladi. Chunki u tomoshabinni axborotni qabul qilishini tezlashtiradi va uning tadbirga bo'lgan qiziqishi yanada ortadi.

Ommaviy harakatlarning ssenariy muallifi va rejissori har doim psixolog va o'qituvchidir, u birinchi navbatda uning ishtirokchilarini faollashtirish, spektaklni emas, balki ommaviy harakatlarni tashkil etish masalasini hal qiladi, bunda badiiy obrazlar katta rol o'ynaydi. Teatrlashtirilgan tadbir o'zining badiiy mohiyatiga ko'ra yuksak g'oyani yorqin obrazli shaklda o'zida mujassam etgan. Shu bilan birga, teatrlashtirish va ssenariy rejissyori harakati sifatida harakat qilishning mohiyati bo'lgan obrazli yechim bayramni ijtimoiy ma'lumotlarni qayta ishlashning o'ziga xos uslubiga aylantiradi.

Teatrlashtirish usulida tomoshabinning bayram ishtirokchisiga aylantirilishi xususiyati ham hisobga olinishi kerak.Teatrlashtirilgan ommaviy tadbirlarda tomoshabin o'zgacha zavq oladi. Chunki tasavvuridagi voqealar, tafakkuridagi ma'lumotlar bevosita ko'z o'ngida gavdalanadi. Bu esa tomoshabinning tadbir haqidagi fikrini ijobiy tomonga o'zgarishiga olib keladi. Tadbirning qay darajada to'g'ri tashkil qilinganligi, teatrlashtirilgan sahna asarining to'g'ri tanlanganligi uning saviyasini belgilab beradi.

**Xulosa** qilib aytganda, biz faoliyatimiz mobaynida odatiy an'analardan voz kechib, zamonaviy lik va milliylikni

uyg'unlashtirgan holda yangi ijodiy ishlar qilishga hamda tomoshabinlarga estetik zavq beradigan, eng muhimi tarbiyaviy ahamiyati yuksak bo'lgan asarlar yaratishimiz va uni xalqqa namoyish etishga harakat qilishimiz darkor

#### ***ADABIYOTLAR***

1. Ahmedov F. —*Ommaviy bayramlar rejissurasi*”. T.: —*Aoqachi*” 2008.
2. Rustamov V. —*Ommaviy bayram va tomoshalarda teatrlashtirish*”
3. Qoraboyev U. —*Radiiy-ommaviy tadbirlar*”. T.: 2000.
4. ZiyonET- O'zbekiston ta'lim portalı.

## **ПРОБЛЕМЫ ОТСУТСТВИЯ МОТИВАЦИИ К ЗАНЯТИЯМ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ**

**Валиева Севара Алишеровна**

студентка по направлению: Актёр кукольного искусства, факультета Театральное искусство, член кружка «Молодые исследователи» Узбекский государственный институт искусств и культуры Узбекистана

**Холова Шахноза Мардоновна**

преподаватель кафедры «Сценическое движение и физическая культура» государственного института искусств и культуры Узбекистана

**Annotasiya.** Respublikamizda aholining barcha qatlamlarini jismoniy madaniyatga keng jalb qilinganligiga qaramay, talabalarning jismoniy tarbiya darslariga bo'lgan qiziqishlarini etarli darajada emas. Ushbu maqolada biz mazkur muammolarning asosiy sabablariga to'xtaldik.

**Аннотация.** Несмотря на массовое вовлечение всех слоев населения в культуру занятий спортом, можно наблюдать недостаточную заинтересованность студентов к занятиям по физической культуре. В данной статье, нами затронуты основные причины данного явления и сделаны соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** технологии, физическая культура, мотивация, адаптация.

**Abstract.** Despite the massive involvement of all strata of the population in the culture of sports, one can observe an insufficient interest of students in physical culture classes. In this article, we have touched upon the main reasons for this phenomenon.

**Keywords:** technologies, physical culture, motivation, adaptation.

Наш век – это век технологий и инноваций, в котором люди стремятся к прогрессу. Появление новых электронных устройств, таких как смартфоны, планшеты, и другие носимые гаджеты намного упрощает жизнь студентов, а занятия физическими упражнениями, к сожалению, уходят на второй план. Очень часто, вместо того чтобы увеличить физическую активность, студенты «зависают» в своих гаджетах. Но, в то же время, новые технологии могут поднять уровень заинтересованности у студентов, так как могут организовать мониторинг состояния здоровья у обучающихся и контролировать величину физической и двигательной нагрузки. Например, можно скачать фитнес-приложения из интернет-магазинов App Store или Play Маркет. [1]

Негативное отношение к «физической культуре» начинается с раннего возраста, когда родители должны мотивировать ребенка заниматься спортом, чтобы у него самого появилось желание, а не заставлять ребенка. Ведь именно с раннего возраста проявляется отношение к разным реалиям жизни, в том числе и к спорту.

Еще одной огромной проблемой незаинтересованности студентов к физической культуре (особенно она встречается у первокурсников) является адаптация. У абитуриентов, поступивших в учебные заведения, меняется ритм жизни, резко увеличивается количество информации в учебном процессе, достаточно плотный график дня приводит к стрессу и эмоциональной напряженности. Конечно же, каждый студент адаптируется по-разному, кто-то сразу вливается в новый коллектив, кому-то требуется в этом помочь. В этом случае с такими студентами должны проводить беседу как психологи так

и преподаватели, ответственные за группы и курс, уточнять какие у них возникают проблемы. Есть много примеров, когда некоторые студенты, отучившись несколько лет в университете или колледже так и не смогли адаптироваться к новым условиям жизни, ощущают дискомфорт в учебном заведении.

Физическая активность имеет положительное воздействие на организм человека. Благодаря ей улучшается кровообращение в сердечно-сосудистой системе. Упражнения хорошо развивают опорно-двигательную систему и очень хорошо влияют на дыхание и вентиляцию воздуха в легких [2]. Но, к сожалению, не все студенты знают о благотворном влиянии физических упражнений на организм. Некоторые из студентов посещают учебные занятия по физкультуре только ради получения зачета. Для решения этого необходимо заинтересовывать студентов, нужно применять такие методы обучения, которые мотивируют студентов к занятиям физкультурой и самостоятельными физическими упражнениями. Например, можно организовывать встречи со знаменитыми спортсменами, чтобы они рассказывали какого успеха добились в жизни благодаря занятиям физкультурой и спортом.

Таким образом, для повышения заинтересованности студентов к физической культуре необходимо правильно использовать новые технологии. На наш взгляд, поднимает мотивацию обучающихся заниматься физкультурой и спортом индивидуальный подход к каждому из них и применение новых методик обучения.

### **СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ**

1. Королев, Г.Н. Взаимодействие информационных технологий и физической культуры в жизни студента / Г.Н. Королев, И.А. Смоляров// материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием «Физическое воспитание и студенческий спорт глазами студентов». – Казань: КНИТУ-КАИ, 2019. – С. 284.
2. Маломужев, И.М. Методические указания по практике занятий физическими упражнениями. // метод. пособие И.М. Маломужев; Министерство общ. и проф. образования РФ. – Обнинск: Обнин. инт атом. энергетики, 1998. – 42 с.

# **ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING O'ZBEK MADANIYATI VA SAN'ATIGA QO'SHGAN XISSASI**

**Abdug'aniyev Elyor Alisher o,g,li.**

Ozbekiston davlat san'at va madaniyat institutining –Teatr san'ati” fakulteti talabasi, –Yosh tadqiqotchilar” to`garagi a`zosi

**Annotatsiya.** Ushbu maqola yirik davlat arbobi va shoir Zahiriddin Muhammad Boburning hayot va ijod yo\_ li hamda san'atga qo\_shgan xissalari haqida qisqacha hikoya qiladi.

**Kalit so,zlar:** buyuk shoir, shahzoda, Bobur, iste'dod, adabiyot, musiqa, san'at, ijodkor, ruboiy, she'r, Boburnoma.

Zahiriddin Muhammad Bobur o\_zining sermazmun va barakali ijodi bilan jahon madaniyati xazinasiga ulkan hissa qo\_shgan buyuk siymolardan biridir. Boburning sertashvish hayoti va jo\_shqin faoliyati siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jihatdan inqirozga uchrab, tanazzulga tushayotgan Temuriylar sultanatining so\_ngi davriga to\_g\_ri keladi.

Ma'lumki, Markaziy Osiyo xalqlarining tarixida Temuriylar davri madaniyati alohida ajralib turadi. Temuriylar davrida fan va madaniyatning turli jabhalari yuksak pog\_onaga ko\_tarilgan bo\_lib, aynan shu davr tarixi sahifalarida Mirzo Ulug\_bek, Ali Qushchi, Qozizoda Rumiy kabi haqiqiy ilm daholari; Sharafiddin Ali Yazdiy, Mirxond, Xondamir, Davlatshod Samarqandiy singari shuhrati jahonga taralgan tarixchilar; Abdurahmon Jomiy, Lutfiy, Sakkokiy, Atoiy, Alisher Navoiydek ulug\_shoirlar; Behzod, Mahmud Muzahhib, Sultonali Mashhadiy, Sulton Muhammad Xandon, Darvish Muhammad Toqiy kabi yuzlab buyuk moyqalam sohiblari va kitobat san'atining benazir ustozlari yetishib chiqqan va serunum ijod qilishgan.

Bobur barcha temuriy shahzodalar kabi maxsus tarbiyachilar, yirik fozilu ulamolar murabbiyligida va ustozи Xoja Mavlono Qozi qo\_lida ta'lim olib, harbiy ta'lim, fiqh ilmi, arab va fors tillarini o\_rganadi, ko\_plab tarixiy va adabiy asarlar mutolaa qiladi, ilm-fanga,

she‘riyatga, ayniqsa, musiqa va adabiyotga juda qiziqadi. Dovyurakligi va jasurligi uchun yoshligidan —Bbur” taxallusini oladi.

Boburdagi tabiiy iste‘dod uning har tomonlama rivojlangan va qomusiy bilimlarni o‘zida mujassamlantirgan shaxsiyati, aql-zakovati, insoniy hislatlari va qolaversa, uning mardligi, ochiq ko‘ngilliligi, nozik tabiatliligi bizni doim hayratga solib keladi.

Zahiriddin Muhammad Bobur XVI asr ozbek adabiyotining kozga koringan yirik vakillaridan biri bolib, oz ijodida Nizomiy, Xusrav Dehlaviy, Lutfiy, Navoiy an‘analarini davom ettirgan buyuk shoirdir. Bobur asarlari ozining yuksak goyaviyli, chuqur mazmundorligi va badiiy ravonligi bilan ajralib turadi. U ozining murakkab hayat yoli, dunyo qarashi, shuningdek, boy adabiy-ilmiy merosi bilan ozbek adabiyoti tarixida munosib orin egallaydi.

Bobur ozining 47 yillik umri mobaynida kattagina she‘rlar toplami tuzdi, —Mubayyin”, —Risolai validiya” nomli she‘riy asarlar yaratdi, jahonga shuhrati ketgan qomusiy asar —Boburnoma”ni yozdi, —Xatti Boburiy” deb nomlangan yangi alifbo tuzdi, aruz, qofiya, musiqa va harb ishiga oid risolalari bilan ilmga katta hissa qoshdi. Afsuski, Boburning qofiya, musiqa va harb ishiga oid risolalari, qolyozmalarining taqiri hamon bizga noma‘lum.

Boburning hozircha ozbek va fors-tojik tillaridagi she‘rlaridan tarkib topgan qator qolyozma devonlarining nusxalari mavjud bolib, ular Fransiya, Hindiston va Eron kutubxonalarida saqlanmoqda.

Bobur ozbek adabiyotida lirik janrlarning rivojiga katta hissa qoshdi. Uning lirik merosi hajman uncha katta bolmasa-da, mavzu doirasi, goyaviy mohiyati va shakliy takomili bilan ajralib turadi. Bobur lirikasi ma‘lum darajada shoirning avtobiografiyasidir. Uning oynoqi va ta‘sirchan, sodda va ravon tilda aytilgan she‘rlari hayotiy hodisalar va turmush voqealari zaminida namoyon boladigan shoirning qalb tugyonlarini ifodalaydi.

Zahiriddin Muhammad Bobur yoshligidan badiiy adabiyotga, she‘riyatga qiziqqan. Atoiy va Sakkokiy, Lutfiy hamda Navoiy kabi ozbek shoirlari; Xusrav Dehlaviy, Hofiz, Sa‘diy, Jomiy kabi fors-tojik shoirlarining asarlarini qunt bilan mutolaa qilgan. U 1506-yilning kuzida, Hirotda bolganida Alisher Navoiyning uyida yashab, ulugshoir qalamiga mansub bolgan —Xazoyin ul-maoni”ning nodir

qo<sub>z</sub>lyozmasi bilan tanishib chiqqan va undan terma devon ham tuzgan edi.

Boburning bizgacha yetib kelgan lirik merosi 4000 misraga yaqin bo<sub>z</sub>lib, ular g<sub>z</sub>azal, ruboiy, tuyuq, qit'a, fard va masnaviylardan iborat.

Shoir lirik asarlariga xos umumiylariga xususiyat shundan iboratki, ular mumtoz adabiyotimiz an'analari asosida yaratilgan bulsa ham, uslubining sodda va ravonligi, hajmining ixchamligi, ko<sub>z</sub>proq, real hayotiy voqeа-hodisalar zaminida maydonga kelgani bilan ajralib turadi. Natijada uning she'rlarida tarixiylik bilan lirim, hayotiylik bilan badiiylik, hissiy kayfiyat bilan haqqoniy ifoda o<sub>z</sub>aro uyg<sub>z</sub>unlashib boradi. Bu holat shoir ijodiy uslubining o<sub>z</sub>iga xosligini ham belgilaydi.

Bobur o<sub>z</sub> she'riyatida adolat tuyg<sub>z</sub>usini bosh mavzulardan biri sifatida talqin etib, bu borada ancha ilg<sub>z</sub>or ijtimoiy fikr va g<sub>z</sub>oyalarni ilgari surgan. Ular ko<sub>z</sub>proq ruboilyarda aks etgan.

Bobur ijodida g<sub>z</sub>azal, ruboiy, qit'a, tuyuq, fard janrlaridan tashqari, masnaviy janridagi kichik asarlar ham bo<sub>z</sub>lib, ular o<sub>z</sub> xususiyati jihatidan adabiyotimiz tarixidagi noma janriga yaqin turadi. Chunki ularning ko<sub>z</sub>pchiligida saboga murojaat etilib, yorga salom yetkazish iltimosi va iltifotsiz yordan gina qilish kayfiyati asosiy o<sub>z</sub>rin tutadi:

*Sabo, ul gul harimig<sub>z</sub>a guzar qil,  
Mening holimdin ul gulga xabar qil.*

**Yoki:**

*Ey payki sabo, qoshimga kelgil,  
Eshitib bu so<sub>z</sub>umni dag<sub>z</sub>ibilgil.*

**Yana:**

*Ey sabo, yelmakni qo<sub>z</sub>yg<sub>z</sub>il, jazm qil,  
Sarvinozim ko<sub>z</sub>yi sori azm qil.*

Shuni ham ta'kidlash kerakki, Bobur bu janrga faqat oshiqona his-tuyg<sub>z</sub>ularni ifodalash vositasi deb qaramagan. Uning ayrim nomalari tarjimai hol xususiyatini ham kasb etgan. Bu, albatta, shoir nazmining o<sub>z</sub>iga xos jihatlari bilan izohlanadi.

Bobur asarlarining badiiy tili haqida gapirganimizda uning sodda, tushunarli va ravonligini alohida ta'kidlashimiz bejiz emas. Chunki, shoir dabdabali misralar va murakkab so<sub>z</sub>larni ishlatishtan qochadi.

Shuning uchun uning asarlari, ayniqsa, «Boburnoma»si asrlar davomida minglab o<sub>z</sub>quvchilarni xushnud etib kelmoqda.

Zahiriddin Mudhammad Bobur o<sub>z</sub>bek mumtoz adabiyotining XVI asrda yashab ijod etgan eng ulug<sub>z</sub> namoyandasidir. Bobur qalamiga mansub «Boburnoma» asari XVI asr o<sub>z</sub>bek nasrining eng qimmatli namunasidir. Bu asar mazmun e'tibori bilan qomusiydir. Unda Markaziy Osiyo, O<sub>z</sub>erta Sharq va Hindiston o<sub>z</sub>lkalarining tarixi, etnografiyasi, adabiyoti va etnik qatlamlari tabiatni, o<sub>z</sub>simliklar va hayvonot dunyosi tili, adabiyotiga oid eng qimmatli va ishonarli ma'lumotlar jamlangan. Bu shoh asarda adib Boburning yuksak badiiy mahorati, sodda va tushunarli uslubi, uning o<sub>z</sub>iga xos betakror go<sub>z</sub>alligi o<sub>z</sub> aksini topgan. Asarning bosh qahramoni Zahiriddin Muhammad Boburning o<sub>z</sub>zi. Uning xatti-harakati, amalga oshirgan ishlari, maqsad va intilishlari, ularni amalga oshirishdagi qat'iyat va mahorati asar qahramonini ideal qahramon darajasiga ko<sub>z</sub>taradi.

Bobur ijodi juda serqirra. Uning she'riyat nazariyasiga oid «Risolai Aruz» kitobi o<sub>z</sub>bek aruzi qonuniyatlarini aniqlashda Navoiyning «Mezon ul-avzon» kitobi bilan barobar turadi. Bu ikki ulug<sub>z</sub> ijodkor o<sub>z</sub>bek she'riyati nazariyasining asoslarini yaratibgina qolmay, bu fanning rivojiga ham ulkan hissa qo<sub>z</sub>shdilar.

Boburning «Risolai validiya» asari, garchi u forsiy she'riyatdan tarjima qilingan bo<sub>z</sub>lsa-da, o<sub>z</sub>bek kitobxoniga tasavvuf ta'limotining mohiyati bilan tanishuvda katta ahamiyatga ega. «Mubayyin» esa nafaqat nazariy, balki amaliy jihatdan ham ulkan o<sub>z</sub>rin tutgan bir asardirki, uning qimmati to<sub>z</sub>g<sub>z</sub>risida ko<sub>z</sub>p yozmoq mumkin.

Xulosa qilib aytganda, Zahiriddin Muhammad Bobur buyuk shoirligi bilan birga islom dinining ruknlarini puxta egallagan. Uning asoslarini hanafiya mazhabi asosida sharhlari bilan bayon etgan yirik fiqhshunos olim hamdir. «Mubayyin»da ajdodlarimizning ma'naviy merosi orqali yuksak insoniy fazilatlarga ega bo<sub>z</sub>lgan insonni tarbiyalash, yoshlarni dinimiz asoslari orqali sog<sub>z</sub>lom tafakkur va pok axloqda targ<sub>z</sub>ib qilish g<sub>z</sub>oyalari o<sub>z</sub> tajassumini topgan. Boburning «Mubayyin» asari diniyma'rifiy, ilmiy-falsafiy, axloqiy-ta'limiy mazmunga ega bo<sub>z</sub>lganligi bois ham olim yashab ijod etgan muhitdagi dunyoqarash va e'tiqod haqida to<sub>z</sub>la ma'lumot beruvchi adabiy va diniy manba sifatida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu asarni diniy

va badiiy adabiyotning yorqin namunasi sifatida tadqiq, etish va uning ma‘naviy merosimiz tarixida tutgan o‘rnini aniqlash tadqiqotchilarning dolzarb vazifalaridandir.

Bobur o‘z asarlarini turkiy (eski o‘zbek tilida) yaratganligi adibning o‘z ona tili rivojiga qanchalik diqqat-e‘tibor berganligidan dalolat qilib turadi. Shu bilan birga Bobur asarlari o‘zbek tili tarixini o‘rganishda ham noyob manbalardan biri sifatida muhim ahamiyat kasb etadi.

#### ***ADABIYOTLAR***

1. *Bobur ensiklopediyasi // Muharrir A. Ahmedov. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik jamiyati Bosh tahririyati, -Toshkent. 2017.*
2. *Zahiriddin Muhammad Bobur // S. Hasanov. T.: O‘zbekiston, 2011. 88b.*
3. *Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiyoti//Muharrir A.Qayumov. Toshkent «Mumtoz so‘z» 2009.*
4. *Mahrami asror topmadim. Parij devoni nusxasi: She‘rlar (nashrga tayyorlovchi va so‘z boshi muallifi S. Hasan, Muharrir N. Otajonov. -T.: yozuvchi, 1993y. 80b.*

## **DANCE IS A MOVEMENT, AND MOVEMENT IS LIFE**

### **Aliyeva Muslima**

3 rd year student of the Uzbek State Institute of Arts and Culture,  
Faculty of Folk Art, Department of Folklore and Ethnography.

Member of the Young Researchers Circle

### **Kholova Shakhnoza Mardonovna**

Teacher Uzbek State Institute of Hour and Culture,  
Department of –Stage Movement and Physical Culture”

**Annotation.** This article is about the representatives of the Uzbek dance art, Types of dance, its problems and solutions.

**Key words:** dance, Master, movement, UZBEK dance.

The main means of dance is the creation of an image through the harmonious body movements and states of the dancer, plastic expression and facial expressions, rhythm, tempo, composition. It is related to the process of human labor and the emotional impressions it receives from being. Originally associated with song and lyrics, it later

became an independent art form. In the 20th century, the art of dance was in the direction of Bukhara dance, Khorezm dance, Fergana dance; as a stage folk dance reworked based on modern stage requirements: developed in the form of ballet performances using elements of national dance. Each of these directions has gone through several historical stages over the centuries and has acquired its own form and meaning. A number of state and folk dance groups are known around the world.

Dance masters such as Hamdamhon, Yusufjon Qiziq Shakarjonov, Usta Olim Kamilov, Tamarakhonim, Mukarrama Turgunbaeva, Gavhar Rahimova, Roziya Karimova, Qunduz Mirkarimova, Karim Rakhimov, Qodir Muminov, Mamura Ergasheva, Yulduz Ismatova, Shokir Ahmedov, Gavhar Matyakubova, Rushana Sultanova, Qizlarhon Dostmuhamedova and Malika Ahmedova have done a great job. The role and importance of the Uzbek national dance art in instilling in the minds of the younger generation a sense of kindness and elegance, love for aesthetic and spiritual maturity is incomparable. National dances reflect the most enlightened values, human qualities and national traditions of our people. President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev signed a decree on February 4, 2020 «On measures to radically improve the system of training highly qualified personnel in the field of dance and further development of scientific potential» and «On measures to further develop the national dance art. His decisions became a unique historical event in the development of culture and art. Based on these decisions, the Uzbek State Academy of Choreography was established in the system of the Ministry of Culture based on the Tashkent State National School of Dance and Choreography in the form of a state higher education institution.

The purpose is to improve the system of dance education, to fully cover the need for training qualified personnel, to create a new generation of textbooks. At present, under the leadership of the rector of the academy Shuhrat Tokhtasimov, serious research is being conducted to familiarize the peoples of the world with the cultural and educational heritage, to promote the Uzbek national dance and culture. Scientific and methodological research is valuable because it describes

the theoretical issues and solutions of modern Uzbek choreography, Uzbek national dance. Here we would like to cite some information. Well-known art critic, People's Artist of Uzbekistan Roza Karimova in her book –Uzbek Dances” said that the art of dance, which is the national pride of the Uzbek people, was formed and developed over the centuries. But this art form has not been reflected in writing. The academic team of the Academy is particularly dedicated to the search for and finding solutions to the problems of the national art of dance, to arouse public opinion about it. In the article –About Khorezm Lazgi”, published in English in Poland, about new aspects of «Harmon Lazgi» based on the art of khalfa» The art of Uzbek national dance: from becoming to increasing (Uzbekistan). The Art of National Dance: From Renaissance to Rise” (Russia) discusses the historical roots of national dance. In addition, the Ministry of Innovation Development organized a scientific-practical project prepared at the Uzbek State Academy of Choreography on «Creation of a website» and a collection of multimedia products dedicated to the promotion of the Uzbek national art of dance. In order to support it, it was recommended to successfully pass all the stages and win funding as the winner of the competition of initiative research projects. Currently, scientific research is being conducted on the project.

The main goal of the project is to restore and enrich the history, historical traditions, names and methods of Uzbek dance, to study the history of national dance in connection with the past of our country, the life and work of world-renowned scholars. It is also important to demonstrate to the public, in particular, foreign countries and tourists, the dances and costumes, ornaments and jewelry that reflect the Uzbek qualities, national values, and rich spirituality of our nation. To study the creative activity of teachers in the field of national dance, the meaning of dance names, elements, symbols, movements and gestures, to identify the historical roots of Uzbek national dance, to create a regional map and card index of dances and terms, Significant work is also planned to strengthen its position in world culture. One of the important directions of the project is the collection of endangered unique dance samples, the creation of an explanatory dictionary of their history and description, the organization of scientific expeditions

to all regions and districts of the country. To prepare live interviews in the field of audio and video products and to strengthen cultural cooperation with compatriots living abroad in order to support their efforts to preserve and develop Uzbek culture, including the traditions of the Uzbek national dance art. is one of our main tasks.

In this regard, a multimedia about the history, traditions, mature representatives, terms, costumes, ornaments and jewelry of the Uzbek national dance, prepared in cooperation with the Committee on International Relations and Friendship with Foreign Countries under the Cabinet of Ministers. Products will be a necessary resource for national cultural centers and public organizations of compatriots abroad. Today, the scientific team of the project is implementing its goals and plans in accordance with the tasks set out in this resolution, and the results of preliminary research are visible. Based on the traditions of the teacher-student, a monograph on the life and work of Gavhar Matyokubova, People's Artist of Uzbekistan, a leading representative and propagandist of the Khorezm Dance School, and a dictionary «Khorezm» Lazgi «: history and description» Research is underway on the album. The project recently hosted the 1st International Online Student Conference –Art and Literature: First Steps to Scientific and Practical Research” in collaboration with the Center for Spirituality and Enlightenment and the Writers' Union. Students and masters of Moscow State University, Institute of Asian and African Peoples, Moscow State Linguistic University, Neyde University in Turkey, as well as higher educational institutions of our country took part in it with articles and lectures on Uzbek art, culture and literature. Historically significant reforms are being carried out in our country, which serve to raise the art of national dance of national and universal significance to a higher level. Our national dance is an example of art that reflects the history, psyche, dreams and aspirations of the nation. To study its history is to study the customs, traditions, present and future of the people. The efforts of the scientific team of the Academy are aimed at explaining to young people that the national dance reflects the identity of the nation, its ancient aspirations, to preserve our national dances as an invaluable cultural heritage, one of the visiting cards of our country. Special attention is also paid to the

promotion of Uzbek dance, the education of talented students in prestigious universities abroad, the strengthening of international ties in this area. Currently, the Uzbek State Academy of Choreography is preparing an agreement on cooperation with the Moscow State Linguistic University. Indeed, one of the top priorities is to define the place of national dance in our cultural life, to restore its endangered species and to preserve, further develop, promote and promote its unique samples around the world.

#### **REFERENCES**

1. E.Y.Saitova, N.E. Abraykulova, —*FUNDAMENTALS OF CHOREOGRAPHY AND DANCE*” SM Zokirova, *DANCE* textbook, O'zME. The first volume. Tashkent, 2000
2. Avdeyeva L. A., *Iz istorii uzbekskoy natsionalnoy choreografii*, T., 2001; Kadyrov M., *Uzbek folk art*, T., 1981; Avdeyeva LA, Kadyrov MH, Ismatova Yu., «*Tanavor» dance jilolari*, T., 2002.

## **QO‘G‘IRCHOQ TEATRI TARIXI HAQIDA**

### **Isomiddinova Go,zal To,ra qizi**

O‘zbekiston davlat san‘at va madaniyat instituti —Teatr san‘ati” faultetining Qo‘g‘irchoq teatri aktyorligi yo‘nalishi talabasi, “Yosh tadqiqotchilar” to‘garagi a‘zosi

**Annotatsiya.** Qo‘g‘irchoq teatri - teatr san‘ati turi, Chodir ichida yoki parda ortida yashiringan aktyor-qo‘g‘irchoqbozlar tomonidan harakatga keltirib ko‘rsatiladigan qo‘g‘irchoqlar tomoshasi. Ushbu maqolada qo‘g‘irchoq teatri tarixi hamda rivojlanishi haqida so‘z yuritilgan.

**Kalit so‘zlar:** qo‘g‘irchoq, teatr, madaniyat, san‘at, parda, chodir.

Qo‘g‘irchoqlarning turi (to‘la, yassi, shartli yoki natural), boshqarish tizimi (ip bilan boshqariladigan, qo‘lga kiyiladigan, soyasi tushiriladigan, simli va mexanik) va katta-kichikligi (bir necha santimetrdan tortib odam bo‘yidan ham yuqori qo‘girchoqlar) bilan bog‘liq holda xilma-xil shakllari yuzaga kelgan. Milliy an‘analar, shart-sharoit, dramaturgik va sahnaviy maqsadlar ham.

Qo‘g‘irchoq teatri tomoshalarining shakli va mazmuniga ta’sir ko‘rsatadi. Inson xarakteri, jamiyat hayotini yorqin va umumlashma tarzda aks ettirish, majoz, sahnaviy bo‘rttirma Qo‘g‘irchoq teatrida satirik hamda qahramonlik yo‘nalishlar qaror topishini ta’minlagan. Qo‘g‘irchoq teatri tabiatni ilohiyashtirish kabi marosimlarga borib taqaladi.

O‘zbekistonda Qo‘g‘irchoq teatri o‘tmishda taraqqiy etgan bo‘lib, uning «chodir xayol», «chodir jamol», «fonus xayol» turlari faoliyat ko‘rsatib kelgan. Mustamlaka va sovet davrida ham xalq qo‘g‘irchoqbozlarining 40 ga yaqin to‘dasi (har to‘dada qo‘g‘irchoqboz, korfarmon, 2—3 sozanda bo‘lgan) ish olib borgan. Yangi shakldagi Qo‘g‘irchoq teatri havaskorligi 20-asrning boshlaridan boshlangan. 1939-yil Toshkentda Respublika qo‘g‘irchoq teatri, 1968-yil Andijonda «Lola» teatri tashkil topdi. O‘zbekistonda 10 ta davlat tasarrufidagi va ko‘plab havaskor qo‘g‘irchoqteatrлari faoliyat ko‘rsatadi (2005).

Muhsin Qodirovda yashiringan aktyor-qo‘g‘irchoqbozlar tomonidan harakatga keltirib ko‘rsatiladigan qo‘g‘irchoqlar tomoshasi. Qo‘g‘irchoqlarning turi (to‘la, yassi, shartli yoki natural), boshqarish tizimi (ip bilan boshqariladigan, qo‘lga kiyiladigan, soyasi tushiriladigan, simli va mexanik) va katta-kichikligi (bir necha santimetrdan tortib odam bo‘yidan ham yuqori qo‘girchoqlar) bilan bog‘liq holda xilma-xil shakllari yuzaga kelgan. Milliy an'analar, shart-sharoit, dramaturgik va sahnaviy maqsadlar ham Qo‘g‘irchoq teatri tomoshalarining shakli va mazmuniga ta’sir ko‘rsatadi. Inson xarakteri, jamiyat hayotini yorqin va umumlashma tarzda aks ettirish, majoz, sahnaviy bo‘rttirma Qo‘g‘irchoq teatrida satirik hamda qahramonlik yo‘nalishlar qaror topishini ta’minlagan. Qo‘g‘irchoq teatri tabiatni ilohiyashtirish kabi marosimlarga borib taqaladi. Gerodot, Ksenofont, Aristotel, goratsiy, Avreliy va boshqalarning ma'lumotlari bo‘yicha 5-6-asrlardayoq Qo‘g‘irchoq teatri paydo bo‘lgan. Sharqda Qo‘g‘irchoq teatrining barcha shakllari mavjud bo‘lgan, biroq shundan soya teatri (O‘zbekiston hududida «Fonus xayol» deb yuritilgan) keng tarqalgan. Indoneziyada 11-12-asrlarda simlar bilan boshqariladigan qo‘girchoq tomoshalari bo‘lgan. Sharqda hamon. Qo‘g‘irchoq teatrining an'anaviy turlari va shakllari yashab

keladi. G‘arb mamlakatlarida esa 19-asrning o‘rtalaridan boshlab xalq Qo‘g‘irchoq teatri inqirozga uchrab, uning o‘rnida yangi tipdagi, yozma drama asosida ish olib boruvchi havaskorlik va yarim professional truppalar maydonga kela boshladi. 20-asrning boshida Rossiyadagi xalq Qo‘g‘irchoq teatri davr talablariga javob berolmay qoldi. Biroq uning an’analari, tajribasi yangi shakldagi Qo‘g‘irchoq teatrining yaratilishida muhim ahamiyat kasb etdi. 1924-yil E.S.Demmeni rahbarligidagi Leningrad Qo‘g‘irchoq teatri, 1931-yilda S.V. Obraz-tsov rahbarligidagi Markaziy Qo‘g‘irchoq teatri tashkil qilindi. O‘zbekistonda Qo‘g‘irchoq teatri o‘tmishda taraqqiy etgan bo‘lib, uning «chodir xayol», «chodir jamol», «fonus xayol» turlari faoliyat ko‘rsatib kelgan. Mustamlaka va sovet davrida ham xalq qo‘g‘irchoqbozlarining 40 ga yaqin to‘dasi har to‘dada qo‘g‘irchoqboz, korfarmon, 2-3 sozanda bo‘lgan) ish olib borgan. Yangi shakldagi Qo‘g‘irchoq teatri havaskorligi 20-asrning boshlaridan boshlangan. 1939-yilda Toshkentda Respublika qo‘g‘irchoq teatri, 1968-yilda Andijonda «Lola» teatri tashkil topdi. O‘zbekistonda 10 ta davlat tasarrufidagi va ko‘plab havaskor qo‘g‘irchoqteatrлari faoliyat ko‘rsatadi.

**O‘zbekiston qo‘g‘irchoq teatri**, Respublika qo‘g‘irchoq teatri - respublika maqomidagi yetakchi davlat qo‘g‘irchoq teatri. Rasman o‘z faoliyatini 1939 yil noyabr oyidan boshlagan. Ungacha Xalq qo‘g‘irchoqbozi Po‘latjon Doniyorov rahbarligida kichik truppa tashkil topgan. 1937 yil Po‘latjon Doniyorov, Tillaxon Matyoqubov, G‘afurjon Mirzarahimov va Mirzakarim G‘afurov kabi qo‘qonlik qo‘g‘irchoqbozlar bilan hamkorlikda S. Abdullaning «Saltanat» pyesasini sahnalashtirib, Moskvada o‘tgan o‘zbek san’ati dekadasida ko‘rsatgan. Davlat qo‘g‘irchoq teatriga asos solgan P. Doniyorov, S.A. Urazova, Ye.G.Podgurskayalar o‘zbek xalq qo‘g‘irchoq teatri an’analari va rus qo‘g‘irchoq teatri tajribalariga suyanganlar. Jamoa o‘z ishini bolalar teatri sifatida boshlagan bo‘lsada, Ikkinci jahon urushi davrida katta yoshdagi tomoshabinlarga ham xizmat qilgan. Vatanparvarlik mavzuidagi konsert va parodiylar qatorida «Davron» (A.Bobojonov), «Nasriddinning sarguzashtlari» (Yu. Arbat), «Ali kichkina» (G‘ayratiy), «Sirli o‘rmon» (Ye.Shvars), «Ur, to‘qmoq» (S.Preobrajenskiy) kabi xalq ommasining kuchqudrati,

hayotbaxshlikni targ‘ib etuvchi spektakllar yaratildi. Teatr asta-sekin o‘zbek mualliflari bilan ishslashga ham e’tibor kuchaytira bordi.

### ***FOYDANILGAN ADABIYOTLAR***

1. Gavrilov M.F., *Kukolniy teatr Uzbekistana*, T., 1928;
2. Qodirov M., *Xalq qo‘g‘irchoq teatri*, T., 1972.
3. Smirnova N. I., *Iskusstvo igrayushix kukol*, M., 1983.

## **АКТЁРЛИК МАҲОРАТИДА ТАСАВВУРДАГИ ПРЕДМЕТЛАР БИЛАН ИШЛАШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **Узоқова Моҳина**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти – Театр  
санъати” факультети” талабаси,  
– Ёш тадқиқотчилар” тўгараги аъзоси

Ижодкорни тарбиялашда бериладиган вазифалар техник жиҳатдан аниқлик талаб этиладиган холатлар ҳам мавжудки, бу вазифалар талаба имконияти доирасида энг элементар техник машқларни ташкил этади. Актёр ижод жараёнида элементар кичик ҳаракатларни ҳам аниқ ва ишонарли тарзда бажариши керак. Бунинг учун фақат истеъдоднинг ўзи камлик қиласи.

Ҳар қандай қасбда ҳам маҳорат сирларини ўрганиш учун сабр-тоқат, матонат, узоқ муддатни талаб этувчи машқ ва қунт керак.

Актёрлик қасбини эгаллашда санъат мактаби педагоглари томонидан ишлаб чиқилган дастур мажмуида предметсиз хатти-харакат, аниқроғи тасаввурдаги предметлар билан ишлаш деган босқич мавжуд. Тасаввурдаги предметлар билан ишлаш жараёни талабадан жуда катта диққат, ёрқин тасаввур, аввал хис этилган хиссиёт хотираси, мантиқ, давомийлик ва бошқа кўплаб актёрлик маҳорати хислатларини талаб этади.

Ушбу машқ турли предметлар билан кўп маротаба ишлаган онг орқали назорат ва кучли хотира хиссига эга бўлган,

бажараётган ҳатти-харакатини онг орқали назорат қила оладиган талабалар билан бажарилса, мақсадга мувофиқ хисобланади.

Тасаввурдаги предметлар билан ишлаш—актёрнинг ижодий фаолиятида дастлабки муҳим бўғин хисобланган оддий, содда жисмоний ҳитти-харакатларнинг асосидир.

Мазкур ўкув босқичи актёрлик маҳоратини эгаллаш жараёнидаги бошқа босқичлар каби муҳим саналиб, нафақат ёш актёр, балки маҳоратли катта тажрибага эга бўлган актёрлар ҳам тасаввурдаги предметлар билан ишлаш машқини канда қилмаслиги, мунтазам равишда шуғулланиб туриши даркор. Ушбу машқлар актёр органикаси билан боғлиқ бўлиб, бу жараён систематик равишда мунтазам давом этса, айни саҳифагача ўтилган актёр олдига қўйилувчи бирламчи ва муҳим талабларга жавоб берилган бўлади.

Афсуски кўп холларда ушбу мавзу аҳамиятини талаба ўз онг ва шуурида тўла хис этмайди. Магистрлар шуни унутмасинларки, бунга албатта педагог ҳам маълум маънода айбор хисобланади.

Тасаввурдаги предметлар билан ишлаш бўйича машқлар педагог томонидан ниҳоятда нозик эътибор билан олиб борилиши лозим. Агар талаба мазкур машқлардан кўзда тутилган мақсад ва вазифани билмаса, у холда бажарилаётган машқлар актёр ижодига, таъсирчанлик ва хиссиёт органларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда актёр қуруқ, хиссиётсиз ишлашга, ҳатти-харакат қилишга ўрганиб қолади.

Тасаввурдаги предметлар билан ишлаш машқлари актёрга одатда инсон бажаравериб автоматлашиб қолган оддий жисмоний ҳатти-харакатларнинг мантиқини, аҳамиятини аниқлашни ўргатади. Кўпчилигимизда табиий равишда ҳақли савол туғилади: ушбу машқларни айни предметлардан фойдаланиб жонли равишда бажариш мумкин эмасми? Гап шундаки, агар машқлар жонли предметлар билан бажарилса, унда бу жараён ҳеч бир ўйланмасдан автоматик равишда бажарилади.

Талаба ҳатти-харакатнинг майда элементларига эътибор бермайди, мантикий давомийликни назорат қилмайди. Натижада ҳатти-харакатнинг мантикий давомийлиги бузилади. Мантикий

давомийлик бузилар экан бажарилаётган ҳатти-харакатга на актөрнинг ўзи, на уни томоша қилаётган томошабин ишонади.

Тасаввурдаги предметлар билан бажариладиган машқлар жараёни эса ўзгача талабларда кечади. Бу жараёнда актөр бутун дикқатини бажараётган ҳатти-харакати, унинг элементар кичик бўғинларига қаратади. Зеро бусиз бутун ҳатти-харакатни яхлит холатда хис этиш мумкин бўлмайди.

Ҳатти-харакатнинг ҳар бир кичик элементларига дикқат қилиб, уларни хис этиб, мантиқий давомийлик бўйича бажарилган машқлар ишонарли кўриниш олади. Ушбу машқлар ёш актёрга ҳар бир ҳатти-харакатини, унинг кичик элементларини ҳам дикқат билан назорат қилишни ўргатади. Шу сабабли ҳам талабаларга дастлаб реал предметларсиз, тасаввурний предметлар билан ишлаш машқларини бажариш мақсадга мувофиқдир. Бажарилаётган машқларда айни керакли бўлган предметнинг мавжуд эмаслиги жисмоний ҳатти-харакат ва унинг табиатини аниқ тушуниш, хис қилишга ёрдам беради.

Машқлар мисолига инсон реал ҳаётда автоматик тарзда бажарувчи барча ҳатти-харакатларни киритиш мумкин. Талаба бажараётган ҳатти-харакатига худди ҳаётдагидек содир этилаётганига аввало ўзи ишониши керак. Ҳатти-харакатни ўрганиш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган турли ҳаётий тасодифларни ҳам хисобга олиш, назарда тутиши керак бўлади.

Предметсиз ҳатти-харакат масаласи ўрганиб борилар экан, биргина машқларни бажариш билан чекланиб бўлмайди. Машқларни қайта-қайта такрорлаш йўлида ҳатти-харакатнинг автоматик тарзда, худди ҳаётдагидек, реал предметлар билан ишланаётгандек ифодалашга эришилиши керак. Ҳатти-харакат мантиқини онгли равишда англаб уни ақл билан амалга оширишга интилиш керак. Ана шундагина чинаккам ижод жараёнига қадам кўйилган бўлади.

Тасаввурдаги предметлар билан ишлаш машқлари ўзида аввал ўтилган барча маҳорат сирлари, техникасини мужассамлаштирган холда бошқа усулдаги машқлар комбинациясидан ҳам фойдаланилади. Ҳатти-харакат техникасини ўзлаштириб, дикқатни хаёлий предметга керакли

нуктага йўналтириш жараёнида икки ёки бир гурух иштирокчиларининг бир-бирига муносабатини ҳам очиб бериш мумкин.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Станиславский К.С. Акмөр ўз устида шилаши. -Т., 1965.
2. Қодиров М. Масҳарабоз ва қизиқчилик санъати. -Т., 1974.
3. Қодиров М. Анъанавий театр драматургияси. -Т., 2006.

## **BRIGHT CREATIVITY COMPOSER**

### **Rakhimjonov Shahzod**

student at the State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan,  
member of the «Young Researchers» circle

**Annotation.** The article is dedicated to the composer, teacher, mentor Fakhriddin Sadikov. The life and creative path of this talented, “folk” composer is examined. He had an excellent command of the instrument, was a talented teacher, a master of his craft. His works live in the hearts of the people. We think the article will be interesting for teachers and students of creative universities.

**Keywords:** composer, creative, music, creative universities.

With the rapid development of science in the Republic of Uzbekistan, fundamental changes are taking place in the field of culture and art, literature and music.

Today, its influence on art is enormous. Freed from the ideological pressure of harmful ideas in art, new directions appear, acquiring a new essence. It should be emphasized that without studying the past, it is impossible to reach the future. Nevertheless, the development of national music is inextricably linked with the names of great composers and musicians who have made a worthy contribution.

The development of Uzbek national music is organically linked with social events and the system of the last century [1].

According to historical data, the Uzbek composer's art is 1500-2000 years old. It is the task of musicologists and art critics of Uzbekistan to show and study this long historical period.

In particular, during the 20th century, Uzbek national music at the junction of complex ideological and political events did not lose its originality and tradition and found its own way of development. In this path, Uzbek composers worked fruitfully, preserved national music, promoted, multiplied it, and performed it masterfully and an excellent school of performing and singing art was established. [2]

It should be emphasized the names of famous artists and musicians who have worked fruitfully and made a significant contribution to the development of musical art; Khoji Abdulaziz Abdurasulov, Tukhtasin Jalilov, Yunus Rajabiy, Imomjon Ikramov, Jurakhon Sultanov, Kamilzhan Jabbarov, Saidjon Kalonov, Nabijon Khasanov, Ganijon Toshmatov, Komiljon Otaniyazov, Mukhtorjon Mukhammatadjaev, Otaniyazov.

In this article, we would like to talk about the famous composer and performer Fakhriddin Sadikov who made a significant contribution to the development of national music.

Fakhriddin Sadikov was born in 1914 on May 14 in Tashkent, in the family of a railway worker Sadikuja Turajanov. Mother of Turasayibkhon was not indifferent to art, and brought up in children a love of beauty. The family had three children. Their parents raised them to be hardworking, smart and intelligent. After the death of his father, the family remained in a difficult situation. All the care of the upbringing and maintenance of the family was taken over by the elder brother Shamsiddinkhon Fakhriddin, who had matured a little, sometimes picked up a dutar that hung on the wall. There was a desire to play and listen to these tunes endlessly. The sound of the dutar inspired and inspired him. [3]

In 1926, Fakhriddin began to study music in a circle created at the school. And his first teacher was Numankori Muminzada. Diligent Fakhriddin made progress in playing the chang and soon became a solo performer of the circle. F. Sadikov in 1972 - 1976, during a meeting with students of the Tashkent State Conservatory, warmly recalled his great teachers and performers such as; dutarist

Mukhiddinkhoji Najmiddinov, flutist Abdukadir Ismailov, Akhmadjan Umurzakov, chanciest and drummer Usta Olim Kamilov, Usta Ruzmatjan, Matyusuf Kharratov.

F. Sadikov in 1937 became a soloist of the orchestra of folk instruments. The orchestra under the direction of T. jalilov successfully toured in Moscow, Azerbaijan, Belarus. F. Sadikov's first song «Hey Chekhrasi Tabonim» became truly popular. The simple, unpretentious melody of the song fell in love with many singers and to this day the song sounds in holidays and events. In 1939, on the initiative of Y. Rajabiy L. Sarymsakova, an ensemble of dutarist girls was created at the Uzbek State Philharmonic Society.

A wonderful galaxy of performers - instrumentalists such as; Zakirjon Sadikov, Orif Kasimov (dutar), Mahmudzhan Mukhamedov (flute), Yakubjan Davidov (tanbur), Ilham Turaev (fiddle), Turgun Alimatov, Dadakuja Sattikhujaev (doira).

F. Sadikov in his memoirs warmly says that his students of the conservatory learned the most difficult parts of the classic in a short time. In 1964, he was awarded the title of «Honored Art Worker of Uzbekistan» by the government for his merits in training and education of personnel, scientific work. During the years of independence, the association of the Union of Composers was renamed to the new name of the Association of Composers of Uzbekistan.

In 1972 F. Sadikov headed the Department of Oriental Music and taught traditional performing. He also supervised the ensemble of students' classist. He excellently taught the possession of different styles of performing classics. The famous musicologist TS Vyzgo highly appreciated the merits of F. Sadikov in the performance and teaching of students. In particular, he said: «It is F. Sadikov's merit to achieve the colorful sound of the monadic classic. The innate feeling to listen and correctly distribute voices in terms of timbre and sound is not given to everyone».

For merits in the development of art F. Sadikov in 1950, 1952 and 1975 and communication 60 - years old the government awards the «Certificate of Honor» of the Supreme Council of Uzbekistan. F. Sadikov in recent years worked as a senior lecturer at the Department

of Oriental Music of the Tashkent Conservatory. Died after a long illness in 1977 on October 28. More than 40 years have passed since the day of his death, but the people have not forgotten the work and merits of the talented composer, teacher and performer. His music lives in the hearts of fans and will educate young people and the future generation and will not lose its relevance.

#### ***LIST OF REFERENCES***

1. *Kh.Gofurbekov. Composer S. Kalonov. Issues of musical creativity. I-Collection. Katortol Kamolot 1997, 68 pages.*
2. *Yu. Rajabiy. A look at our musical heritage. Literature and Art Publishing named after G. Gulom, Tashkent, 1978, 11 pages.*

## **САМОПОЗНАНИЕ И САМОДИАГНОСТИКА В СФЕРЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

**Эрданова Севара Косим кизи**

Студентка Государственного института искусств и культуры Узбекистана, член кружка «Молодых исследователей»

**Холова Шахноза Мардоновна**

научный руководитель, преподаватель

Государственный институт искусств и культуры Узбекистана

**Аннотация.** В данной статье проанализирована концепция самопознания и самодиагностики, а также разобраны основные методы самоконтроля и самодиагностики при выполнении физических упражнений.

**Ключевые слова:** физическая культура, спорт, воспитание, самопознание, самодиагностика, дневник самоконтроля здоровья.

Физическая культура и спорт не могут существовать без самопознания и самодиагностики. Способность к самопознанию – это удивительная особенность и достояние человека. В современном мире проблема самопознания и самодиагностики в сфере физической культуры сильно влияет на процесс обучения, его качество и имеет огромное значение. Без базовых навыков

самопознания и самодиагностики возможны неблагоприятные исходы занятий по физической культуре, такие как: травмы, ухудшение общего самочувствия, спад продуктивности, снижение результатов и т.п. Именно поэтому так необходимо знать способы самопознания и самодиагностики и уметь с ними работать.

Цель исследования: определить оптимальные средства, методы, формы, для формирования умений самопознания и самодиагностики в сфере ФК и спорта.

Объект исследований – образовательный процесс в спортивной деятельности.

Предмет исследований – самопознание и самодиагностика в спортивной деятельности.

Самопознание – это изучение личностью собственных психических и физических особенностей, осмысление самого себя. Оно начинается в младенчестве и продолжается всю жизнь. К основным видам самопознания можно отнести самонаблюдение, самоанализ, само исповедь, сравнение. Выделяют следующие основные причины возникновения потребности в самопознании в спорте: самоконтроль позволяет своевременно выявить неблагоприятные воздействия физических упражнений на организм, также является существенным дополнением к врачебному и педагогическому контролю, но ни в коем случае их не заменяет. Каждому преподавателю следует создать предпосылки для самопознания (ситуации выбора), для поддержания уникального развития каждого участника педагогического процесса [1].

Самодиагностика – процесс изучения личностью самого себя с использованием специальных методик. Этими методиками могут быть: тестирование, плановое самонаблюдение, рефлексия, сбор мнений и отзывов и т.д. Самодиагностика позволяет держать под самоконтролем состояние мышления, памяти, внимания, воображения, свою нервную систему, отношения с окружающими и т.д. Она также объективирует самооценку человека и его положение в обществе, в системе профессиональных отношений. Самодиагностика есть составная

часть самопознания, она дает информацию для развития самосознания.

Для самоконтроля и самодиагностики мы предлагаем использовать дневник самоконтроля.

Перед тем, как начинать самостоятельно заниматься, желательно взять рекомендации по режиму физической подвижности у своего участкового врача или в районном врачебно-физкультурном диспансере. Затем, используя советы врачей или специалистов по физической культуре (или популярную методическую литературу), подобрать себе наиболее полезные виды упражнений. Заниматься следует регулярно, стараясь не пропускать ни одного дня. Также следует регулярно следить за своим самочувствием, не забывая отмечать все изменения, которые происходят в организме во время выполнения упражнений, а также до и после тренировки. Для этого нужно проводить диагностику или самодиагностику. При проведении самодиагностики фиксируются объективные показатели самоконтроля: частота сердечных сокращений, артериальное давление, дыхание, вес, антропометрические данные. Диагностика применяется для определения тренированности занимающегося. При регулярных занятиях физическими упражнениями и спортом очень важно систематически следить за своим самочувствием и общим состоянием здоровья. Наиболее удобная форма самоконтроля – это ведение специального дневника. Самочувствие при регулярной и правильно проводимой тренировке, как правило, хорошее. Если занимающийся физическими упражнениями перегружает себя во время тренировки, то у него отмечается плохое самочувствие, утомление, отсутствие желания тренироваться [2]. Дневник самоконтроля служит для учёта самостоятельных занятий физкультурой и спортом, а также регистрации антропометрических изменений, показателей, функциональных проб и контрольных испытаний физической подготовленности, контроля выполнения недельного двигательного режима.

Регулярное ведение дневника даёт возможность определить эффективность занятий, средства и методы, оптимальное планирование величины и интенсивности физической нагрузки и отдыха в отдельном занятии, а также осуществлять самоконтроль и самодиагностику.

### **СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ**

1. Ямалетдинова, Г.А. *Педагогика физической культуры и спорта* //— М., 2014. – 15 с.
2. Ж.К. Холодов. *Теория и методика физической культуры и спорта* //— М., 2014. – 469 с.

## **ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИНИ ТАРГИБ ЭТИШДА ИНТЕРНЕТ ВА МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Тўраев Жасур Рашид ўғли**

ЎзДСМИ Халқ ижодиёти факультети Фольклор ва этнография  
йўналиши 3-курс талабаси

**Мирбадалова Жамила Султанмуратовна**

Юнусобод тумани 98-сонли мактаб Информатика ва математика  
фанлари ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада миллий рақс санъатимизни интернет орқали тарғиб қилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тизимни такомиллаштириш, миллий рақс санъатимиз акс этган мукаммал мобиљ илова ишлаб чиқиш ва бу ислоҳатларнинг халқимиз маънавиятига таъсири ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** рақс, интернет, маданият, миллийлик, мобиљ илова.

**Аннотация.** В этой статье обсуждаются проблемы продвижения нашего национального танцевального искусства в Интернете, улучшения системы, разработки совершенного мобильного приложения, отражающего наше национальное

танцевальное искусство, а также влияние этих реформ на духовность нашего народа

**Ключевые слова:** танец, интернет, культура, национальность, мобильное приложение.

**Annotation.** This article discusses the challenges of promoting our national dance art on the Internet, improving the system, developing a perfect mobile application that reflects our national dance art, and the impact of these reforms on the spirituality of our people.

**Keywords:** dance, internet, culture, nationality, mobile app.

Хар бир санъат соҳаси ҳаётимизни бадий образ орқали ифода этади. Шу қаторда рақс ҳам санъат турлари ичида кишилик жамияти ривожида алоҳида ўрин тутувчи бир йўналишдир. Рақс санъати - ижод руҳиятини, ҳис-туйғуларни, фикрни сўзсиз, фақат ҳаракатлар ва юз ифодаси билан халқقا етказишга асосланган санъат туридир.[1]

Рақс халқларнинг маданиятини дунёга намоён қилишда етакчи воситалардан бири ҳисобланади. Сабаби шундаки, ҳар бир миллат вакили ўз рақсини намоён қилганда, миллий мусиқаси, миллий либослари, миллийлигига хос бўлган хатти-ҳаракатларини томошабин оммасига ёритиб беришга хизмат қиласди, қай даражада ёритиб бера олиши эса рақоснинг маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади.

Бугун замонамизни интернет, замонавий ахборот воситалари, компьютерлар, мобиъл телефонларсиз тасаввур қилиш қийин. Бугуғи кунда дунё миқёсида инсонлар ўзидағи ахборотни бир неча сониялар ичида миллиардлаб инсонларга намойиш эта олиш имкониятига эга бўлишди, шу жиҳатдан жаҳоннинг турфа халқлари ҳам ўз санъати ва маданиятига хос бўлган ижод намуналарини бутун дунёга тарғиб қилиш йўлида бу имкониятлардан кенг кўламда фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Хўш, бу борада рақс санъатининг ўрни қандай, бу санъатнинг ижобий жиҳатларини салмоқли кўрсатиб бериш ва уларни оммага тақдим ҳамда тарғиб қилиш борасида юртимизда,

жаҳонда қандай янги чоралар кўрилмоқда, деган ўринли савол туғилиши табиий.

Мазкур саволга жавоб ўлароқ, интернет ва ижтимоий тармоқлар, турфа сайт ва каналлар, мобиъл иловалар омбори вазифасини ўтовчи “Play market”, “Appstore” дастурига жойланаётган иловалар, айниқса, пандемия шароитида мутахассислар томонидан тайёрланиб, тармоқларга жойлаштирилган видео дарсликларни ижобий маънода айтиб ўтишимиз мумкин. Бироқ бир ҳолатни таъкидлаш лозимки, интернет тармоқларида дунёнинг турли халқлари, айниқса, ғарбликлар томонидан жойланаётган кўплаб лавҳалар ва дастурлар ўзбек миллий маданиятига зид бўлиш билан биргаликда ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир ҳам ўтказмоқда.

Бугун юртимизда тунги клубларнинг мавжудлиги ва уларнинг аксариятида ғарб маданиятига хос бўлган куй, қўшиқ, рақс ва либослардан фойдаланилаётганлигини бунга бир мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳеч бир ота-она фарзандларининг бундай жойларга боришини исташмайди, албатта. Бироқ уларнинг бормаслигини ҳаммаси ҳам бир хилда назорат қила олмайди.

Барча замонларда давлатлар, халқлар турли воситалар ёрдамида ўз маданиятини сақлаб қолиш ва уни бошқа миллатларга ҳам тарғиб этишга турли шаклларда ҳаракат қилишган, десак муболага бўлмайди. Бугунги кундаги оммавий маданият тушунчасининг келиб чиқишига ҳам шу омиллар асос вазифасини ўтаб берган бўлса, неажаб. Ислом маданияти кенг тарқалган ўлкаларда, айниқса, бунга жиддий эътибор қаратилибгина қолмай, мусулмонлар одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатадиган урф-одатлардан имкон қадар сақланишга ҳаракат қилинган. Бунга мисол ўлароқ, Усмонийлар султони Сулаймон Қонунийнинг Франция императори Франсуага ёзган мактубини келтириб ўтамиз:

*—Менким, қирқ саккиз юртнинг императори Қонуний Султон Сулаймонман. Менга етган хабарларга кўра, сенинг мамлакатингда —танса” номида хотин билан эркак бир-бири ила*

*құчоқлашиб, халойиқ олдида очиқчасига үйин тушадиган одат пайдо бўлибди.*

*Худудларимиз битта бўлгани боис, ушбу разолатли үйиннинг мамлакатимга ўтиши эҳтимоли мавжуд. Номаи ҳумоюним қўлингга етгани замон бу үйинни тўхтатсанг, тўхтатдинг, тўхтатмасанг, менинг ўзим бориб тўхтатаман”.*

*Мана шу биргина мактуб туфайли Францияда тўла юз йил «танса» үйини ман этилди. Бу ҳақда Франция тарихига оид манбаларда ҳам қайд этилган (Сайёҳ Хаммер, –Тарих”, 1-нашр, Истанбул, 1987 йил).[2]*

Аммо бир ҳолатни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, жаҳон ҳалқлари маданиятининг барча намуналари ҳам миллий маданиятимизга зид бўлавермайди. Аксинча, уларнинг ижобийлари ҳам салмоқлидир, уларни танлаб олишлик, содда қилиб айтганда, ёмонидан воз кечиб, яхисини ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи призидентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда: *–Ҳозирги вақтда кўз ўнгимида дунёning геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши гоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”*[3].

Шу билан биргаликда миллий рақс санъатимизнинг гўзал ва жозибадорлигини, дунёning ҳеч бир рақс намуналаридан мавқеи жиҳатидан қолишмаслигини етишиб келаётган ёш авлоддан тортиб ҳалқимизнинг ҳар бир ёш қатламишининг онгига сингдириш ва миллий рақс намуналаримизни жаҳонга тарғиб этиш юзасидан тизимда кўплаб замонавий чора-тадбирлар кўрлиши лозимдир.

Мисол учун, кавказлар ўзларининг *–лезгинка”* рақс санъатини интернет орқали кенг миқиёсда тарғиб этиши натижасида бутун дунёда бу рақсга қизиқиши уйгота олишди. Бугунги кунда бизнинг санъатимиз вакиллари ҳам компьютер, интернет ва шу тизимдаги замонавий касб эгалари билан биргаликда рақс санъатига тегишли бўлган сайtlар яратиб, ижтимоий тармоқларда каналлар ташкил этиб, уларда кетма-кетликда дарслар жойлаб бориш ва бу

ислоҳатларни кундан-кунга такомиллаштириш орқали ўзбек миллий рақслари таркибида мавжуд бўлган кўплаб рақс намуналарини моҳирона ижролар билан жаҳонга тарғиб этсалар, бу меҳнатлар, албатта, З-ренессанс даврини бошлишдек улкан мақсад йўлидан бораётган миллатга яқин келажакда ўз санъатини оламга танитиш йўлида салмоқли натижалар келтирад эди.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, мобиль алоқа воситалари бўлмиш замонавий смартфонлар инсоният ҳаётидаги кўплаб муаммоларни ҳал қилмоқда. Ушбу воситалардаги “Play market”, “Appstore” дастурлари замонавий смартфонларнинг барчасида мавжуд бўлиб, улардан деярли ҳар бир соҳага тааллуқли бўлган мобиль иловаларни топиш мумкинdir. Албатта, булар инсониятга қулайликлар яратмоқда. Лекин ушбу иловалар омборида рақс санъатига тааллуқли иловалар бироз камроқ бўлиб, борлари ҳам мукаммал ишлаб чиқилмаган, уларнинг деярли барчаси ғарб ва бошқа миллатлар маданиятига хос рақсларни тарғиб қиласи. Масаланинг маънавиятга таъсир кўрсатувчи яна бир салбий жиҳати шундаки, уларда компьютер графикаси ёрдамида тайёрланган рақс ўргатувчи миллий маданиятимизга умуман хос бўлмаган либосларда ўз рақси таълимотини беради.

Агарда юртимиздаги рақс ва маҳсус дастур, яъни мобиль илова яратиш билан шуғулланувчи соҳа вакиллари ҳамкорликда миллий либосларимиздаги миллий рақсларимизни компьютер графикаси орқали тайёрлаб, унинг дарслар кетма-кетлигига, мусиқий ҳамоҳанглигига, содда ва мукаммаллигига, дунёда кенг ёйилиши учун ўзбек, рус, инглиз тилларида бўлишилигига эътибор қаратишса, мобиль иловаси яратилаётган ўзбек рақс турининг тарихи, уни ижро этган машхур ўзбек рақкос-раккосалари ҳақида ва бошқа маълумотлар мобиль иловага қўшимча қилинса, бундан ташқари, бундай иловаларнинг фойдаланувчиларига ҳам амалий, ҳам назарий, ҳам тарбиявий жиҳатдан алоҳида эътибор қаратилса, миллий маданиятимизни сақлаб қолишига, она тилимиздаги рақс билан боғлиқ терминларнинг халқаро миқёсда ёйишга, миллий либосларимизнинг бир-биридан гўзал

намуналарини жаҳонга кўргазма қилишга яна бир катта қадам бўлар ва албатта, яқин келажакда ўз мевасини бермай қолмас эди.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Э.Я.Саитова, Н.Э.Абраикулова. *Хореография ва рақс санъати асослари.* -Т.: «Фан ва технология», 2015, 6-бет.
2. И. А. Каримов —Юксакмаънавият – енгилмас куч” ИСБН 978-9943-04-075-5 Тошкент, «Маънавият» 2008, 74-бет.
- 3.<https://zamin.uz/uz/dunyo/36976-usmoniyalar-sulton-i-sulaymon-qonuniyning-fransiya-imperatori-fransuaga-yozgan-maktubi.html>
4. <https://uz.eyewated.com/mobil-ilovalar-nima/>

## **МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ**

### **Эргашева Мумина**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти –Ҳалқ ижодиёти” факультети” талабаси,  
–Ёш тадқиқотчилар” тўгараги аъзоси

**Аннотация.** Ушбу мақолада ижтимоий ва миллий онг, шахс камолоти моҳиятини ташкил этган маънавиятнинг жамият тараққиётига бўлган ҳал қилувчи таъсири алоҳида таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** мусиқа, маданият, ёшлар, санъат, маънавият, маданият, меърос.

*Миллий мерос, адабиёт ва санъат инсон маънавиятини шакллантиришида муҳим омил саналади. Айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириши масаласига ҳар қачонгидан-да катта эътибор қаратилаётган бугунги кунда унинг аҳамияти янада ортиб бораёттир.*

Ҳар бир инсон ўз халқининг миллий мусиқаси ва қўшиқларидан руҳий қувват олиб вояга етади. Мусиқанинг инсон қалбига, онгига таъсир кучи, қудрати бекиёсдир. Улуғ алломаларимиз инсон тарбиясида, маънавиятини юксалтиришда мусиқанинг аҳамияти нақадар юксаклигини доимо уқтириб

келишган. Маълумки, буюк кашфиётларининг ижодкори комил инсондир. Комилликка эса тарбия орқали эришилади. Шунинг учун ҳам халқимиз қадим-қадимдан тарбияга, илму-хунарга алоҳида эътибор билан қараган. Орадан қанча вақтлар, ҳар хил тузумлар, дунёқарашлар, инсон ва ҳаёт тушунчалари ўзгарса-да, ушбу тушунчалар ўзгаришсиз қолмоқда.

Маънавият жамият ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир. Ҳар бир инсоннинг маънавиятини унинг ҳаёт тарзи, моддий таъминланганлиги, ушбу жамиятдаги фалсафий ва диний таълимотлар белгилайди. Инсонда маънавиятни шакллантириб боришда адабиёт ва санъатнинг барча турлари, айниқса, мусиқа санъатининг тутган ўрни бекиёсдир. Тарбиявий вазифалар комплексида мамлакатимиз ёшларида эстетик дид ва эҳтиёжни камолотга етказиш муҳим рол ўйнайди. Бу вазифани ҳал қилишда мусиқа санъати ҳам ўз ўрни бор. Янги мусиқа янги санъат каби тушунчалар маълум бир вақтда пайдо бўлмаган, у аввалгиларнинг давоми. Лекин баъзи бир ҳолларда айрим эстрада мусиқа намуналари ёшларнинг аҳлоқий оламига зўрлик билан таъсир кўрсатишга уринмоқда. Улар асосан Ғарб мусиқаси намуналари ёки уларга тақлидлардир. Ҳозирги давр ултра мусиқасининг айрим турлари («бит», «рок», «реп», «поп») ёшларни маънавий қашшоқликка, тубанликка бошламоқда. Бундай бемаъни ва беҳаे мусиқаларнинг баъзи «намуналари» бизга ҳам етиб келган. Ғарб мусиқасининг шиддат билан ёшларимиз ҳаётига ва онгига кириб келишини гарчанд янгилик сифатида қабул қилсак ҳам, уларнинг феъл-атворида жиддий бурилиш ясалаетганлиги бор гапдир. Ғарб мусиқий жанрларининг ёшлар тарбияси, яшаш тарзига мос келаётганини инкор эта олмаймиз. Уларнинг таъби, диди шуни талаб қилаяпти. Лекин жазавага тортувчи, бир хил сўзларни кўп такрорлайверадиган, бир хил ритмга асосланган мусиқани кўп тинглайдиган ёшлар, шубҳасиз миллийликдан йироклашадилар.

Ўзбек миллий мусиқа маданиятида миллий қадриятга айланган асарлар сарасига «Мақом»лар киради. Улардаги чукур мазмун оддий инсонлардан тортиб, етук мусиқашуносларни ҳам ҳайратга солиб, тобора янги қирраларни очмоқда. Тановор куйи,

ашула ва рақси ҳам ўзбек халқининг чинакам миллий қадриятидир. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги мусиқа асарларидан Ўзбекистон Давлат мадҳияси ҳам қадрли. Ушбу мерос ёшларимиз маънавиятини шакллантиришда, уларни ҳар томонлама комил инсон қилиб вояга етказишида салмоқли руҳий ва маънавий озиқ бера оладиган ғоявий ва ҳиссий тарбия воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин. Халқ яратган қўшиқларнинг ҳамма турларида юксак, олижаноб гоя ихчам бадиий шаклларда ифодалангандир. Уларга лапар, ялла, терма, ашулалар киради ва қўпчилик тингловчилларга мўлжалланган. Қўшиқнинг мазмунида ёшларга ва умуман ватандошларга бўлган чақириқ руҳи сезилиб туриши, Ватан мустақиллиги нақадар буюк қадрият, уни эъзозлаш, ҳимоя қилиш ёшлар учун муқаддас бурч эканлиги ифодаланиши керак.

Бугунги кун мусиқаси дунёдаги содир бўлаётган ҳамма жараёнларнинг акси, инсоннинг ва инсониятнинг турли ташқи таъсирлардан, баъзан ўз-ўзидан маънавий, руҳий, ижтимоий ва жисмоний тарафлардан озод бўлишда балки ягона йўли, ҳамда инсон маданиятининг тадрижий ривожини берувчи имкониятидир. Бироқ бугун яратилаётган қўшиқлар орасида мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан ғализ, хорижий мусиқаларга ёки санъаткорларга тақлид қилинаётган қўшиқлар кўпайиб бораётгани сезилмоқда. Чет эл мусиқаларига енгил-елпи матнни қўйиб куйлаш ҳам урф бўляпти. Баъзи клипларда эса миллий маданиятимиз, ахлоқ мезонларига мос келмайдиган лавҳалар учрамоқда. Бундай куй-қўшиқлар, аввало, санъатнинг обрўсига путур етказади. Ўсиб келаётган ёшларда санъат, хусусан, эстрада санъати тўғрисида нотўғри тасаввур уйғотади. Эстрада санъати мухлисларининг асосий қисми ёшлардан иборат эканини ҳисобга олиб фикрласак, демак, жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенгроқ олиб бориш, бу соҳага маънавиятимизнинг мухим ҳалқаси сифатида эътиборни янада кучайтиришимиз зарур, деб ўйлаймиз.

Яратилаётган, куйланаётган куй-қўшиқлар ҳар биримизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни эзгу амалларга руҳлантирсин, ҳаётга, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотадиган бўлсин.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: 1994, – 311 б.
2. Тошматов F. Кезиб бу оламни куй ва кўнгил истадим. – Тошкент: –Ммтоз сўз”, 2012,- 361 б.
3. Маркарян Э.С. Теория культуры и современная наука. – М.: Мысл, 1983, – 217 б.

## **МАКТАБГАЧА ТАЛИМ МУАССАСALARIDA “RAQS” SAN‘ATINING TUTGAN O’RNI**

**Imomaliyeva Naima**

O<sub>z</sub> DSMI –Folklor va Etnografiya” yo`nalishi 3-bosqich talabasi,  
–Yosh tadqiqodchilar” to`garagi a`zosi

**Ilmiy rahbar - Sh.Xolova**

O<sub>z</sub> DSMI Teatr san‘ati fakulteti ”Sahna harakati va jismoniy  
tarbiya” kafedrasi katta o<sub>z</sub>ituvchisi

**Raqs** - insoniyat paydo bo<sub>z</sub>lgan ilk davrlardayoq tug<sub>z</sub>ilgan va san'atning eng qadimgi, keng tarqalgan va ommabop turlariga kiradi. Qadimdan inson hayotining muhim jabhalarida raqs alohida o<sub>z</sub>rin tutgan. Ibtidoiy davrda insonlar tomonidan tabiat hodisalari (quyosh, suv, olov bilan bog<sub>z</sub>liq) turli afsonaviy ko<sub>z</sub>inishlarda tushunilgan.

**«Raqs - o<sub>z</sub>zingni kuya, ohangga baxshida etib, sehrlar dun-yosiga sho<sub>z</sub>ng,ib ketmoq;**

**Ko<sub>z</sub>ngildagi bor-yo,g<sub>z</sub>ingni ko<sub>z</sub>zlarga, harakatlarga joylab  
tomoshabinlarga hayrat ato etmoq;**

**Istaklaringni bir dasta gul shaklida tomoshabin hayajonlari  
ustidan sochmoq, ulaming olqishiga muyassar bo<sub>z</sub>lmoq».**

**Raqs** - bu xayot, jo<sub>z</sub>shqinlik, yurak kechinmalari, inson histuygularining xarakatlardagi aksidir.

**Raqsda yashash kerak. Uning o<sub>z</sub>jozibasi, sehri bor.**

Raqs eng chiroyli va nafis san'at turi bo<sub>z</sub>lib, musiqaga xamohang tana harakatidir.

Raqs avvalo inson hissiyotlarini namoyon etishi va turli xil hayvon jonzotlarga hamda tabiat hodisalariga taqlid xodisalari orqali vujudga kelgan. Bu san'at turi asosan insonlar konglini xushnud etish uchun ijro etiladi. Raqs faqat odamlar tomonidangina emas, balki

boshqa hayvonlar (masalan, asalarilar, qushlar) tomonidan ham bajariladi. Jonsiz jismlar ham raqsga tushishi mumkin - metaforik: "barglar shamolda raqs tushishmoqda" yoki haqiqatan: robotlar raqsi. Gimnastika, sinxron suzish va ba'zi jang san'atlarini ham raqsga qiyoslash mumkin. Raqs aynan nima ekanligi ijtimoiy, madaniy, estetik, artistik va ma'naviy cheklovlarga bog'liq va funksional harakatdan (xalq raqlari) tortib virtuoz texnikagacha (balet) bo'ladi. Raqs ommaviy (to'y-bazmlarda), ijtimoiy (vals), ijroiyligi (sahnada), tantanali (hind raqlari), musobaqa (badiiy gimnastika) va erotik (striptiz) turlarga ajratiladi. Raqs harakatlari orqali fikrlar va hissiyotlarni yetkazish, hikoyanavislik qilish mumkin. Raqs evolutsiyasi natijasida turfa uslublar kelib chiqdi. Masalan, nisbatan yaqinda paydo bo'lgan breakdance hip hop madaniyatiga oiddir; afrikacha raqs esa izohlanishlidir; balet va vals klassik raqs bo'lsa, step zamonaviyidir. Katta tezlikli raqlarga tushayotganda tajriba va ehtiyyotkorlik talab etiladi, yo'qsa (pay tortishishi va hk) jarohatlanish mumkin. Raqs ijrosi san'ati xoreografiya deyiladi. Raqs yaratuvchi shaxs esa **xoreograf** deb ataladi.

Raqbos(a)ning garmonik tana harakati va holatlari, plastik ifodaviylici va yuz imo-ishoralari, ritm, temp, kompozitsiya orqali obraz yaratish raqsning asosiy vositasidir. Insonning mehnat jarayoni va borlikdan olgan emotsiyonal taassurotlari bilan bog'liq holda yuzaga kelgan. Dastlab qo'shiq va so'z bilan bog'liq bo'lib, keyinchalik mustaqil san'at turiga aylangan. Raqs asrlar davomida takomillashib, barqaror shakllarga ega bo'la borgan. Ijrochining libosi raqs obrazlariga aniqlik beradi. Har bir xalqning raqs an'analari, ijro uslubi, plastik tasviriy vositalari bo'lib, ular tarixiy, ijtimoiy va geografik sharoitlar ta'sirida tarkib topib rivojlangan. Raqs xalq marosimlari, bayramlarining tarkibiy qismidir. Ular bilan bog'liq holda xorovod va marosim o'yinlari paydo bo'lgan. Xorovodlar astasekin marosim o'yinlaridan xalos bo'lib, xalq turmushining ayrim tomonlarini aks ettira boshlagan. Xalq raqsida ovchilik, chorvachilik, dehqonchilik va hunarmandlik bilan boglik mavzular, shuningdek, xalqning bosqinchilarga qarshi kurashi va lirik kayfiyati o'z aksini topgan. Raqs musiqa bilan uzviy bog'liq, musiqa mazmunini obrazlar vositasida ochib beradi. Xalq raqlarida ritm muhim bo'lib, u

musiqada o‘z ifodasini topadi, oyoq, ko‘l, bosh va tana harakatlari umumiyl ritmga bo‘ysunadi, bir-biri bilan boglanadi. O‘zbek raqlarini mazmunini ifodalashda ijrochilar tepki, qarsak, zangdan ham foydalanadi. Ayrim raqlar ro‘mol, piyola, qadah kabi buyum bilan ijro etiladi, ba’zan ijrochi xalq cholg‘u asboblari (qayroq, doira, nog‘ora va h.k.)da o‘ziga o‘zi jo‘r bo‘ladi. G‘arbiy Yevropa xalqlari raqsida, asosan oyoq harakatlari muhim bo‘lib, qo‘l va tana harakatlari unga jo‘r bo‘ladi. Sharqda esa qo‘l va tana harakatlari plastik ifodaviylikning asosiy vositalaridir. Sahnaviy raqs xalq ijodiga tayanadi, uning merosi va o‘ziga xos fazilatlarini saqlaydi va rivojlantiradi. U dastlab Yunoniston, Hindiston va boshqa mamlakatlarda paydo bo‘lgan. Xalq raqlarini asosida tarkib topgan professional raqlar yuksak darajada rivojlanib, turli raqs tizimlari (xususan, Yevropa va sharq mumtoz raqlarini) qaror topgan.

Zardushtiyarning muqaddas kitobi "Avesto" davridayloq raqs san’ati shakllanib, xalq va professional raqs - ikki yo‘nalishda rivojlanishga kirishgan edi. Yunon — Baqtriya podsholigi davrida (mil, av. 4-3-asrlar) Turon raqs san’atining darajasi Yunoniston, Vizantiya, Hindiston va Xitoy raqsi bilan bahslashishiga imkon bergen. 4—8-asrlarga kelib O‘zbekistonning Samarcand, Buxoro, Shahrisabz va Toshkent kabi shaharlaridan raqs ustalari Buyuk ipak yo‘llari bo‘ylab Rum, Misr, G‘arb o‘lkalarigacha, Sharqda Xitoy, Koreya va hatto Yaponiyagacha borib, o‘z san’atlarini namoyish etadilar. shahar va qishloqlarda o‘tkazilgan to‘y, bayram va ma’rakalardagi –Beshqarsak” kabi qad. o‘yinlar ham, –Katta o‘yin”, –Lazgi”, –Kema o‘yin”, –Ashshadaroz” singari katta umumlashmaga, ramziy timsollarga ega. Rlarni ham, jangovar o‘yinlarni ham uchratish mumkin bo‘lgan. 9-12-asrlardagi Uyg‘onish davrida raqs san’atida ham chinakam ko‘tarilish yuz bergen, ko‘pgina qad. Raqlar tiklanib, navro‘z, mehrjon va sada bayramlarida namoyish qilingan. Abul Fayz Bayhakiyning yozishicha, o‘sha davrda birgina Termiz shahrining o‘zida yuzlab san’atkorlar bo‘lib, Amir Ma’sudni kutib olish uchun Termizdan 300 dan ziyod san’atkor Amudaryo bo‘yiga kelgan ekan. Buxoro, Gurganj, Kesh va boshqa shaharlarda ham raqsga e’tibor baland bo‘lgan. Xorazmda Abul Abbos Ma’mun hukmronligi davrida (1003-1017) raqs san’ati yaxshi rivojlangan.

Raqs san'ati, ayniqsa, Amir Temur va temuriylar sultanatida ravnaq topgan. Unda xotinqizlarning o'rni katta bo'lgan. Rang-baranglik, tarixiy qatlamlar raqsda yaqqol ko'zga tashlangan. Olov atrofidagi o'yinlar, Anaxita va Rustam timsollariga bag'ishlangan o'yinlar, maqom raqlari, -Arg'ushtak" kabi raqlar shu jumladandir. -Munojot", -Tanavor", -Lazgi" raqlari ham aynan shu davrda malakali ijrochilar dasturidan mustahkam o'rin olgan. 15-asrning 2-yarmi va 16-asr boshida Sayyid badr, Tohir chakka, Mohchuchuk, Maqsudali, Katta Moh, Kichik Moh laqabli raqs ustalari shuhrat qozondi. Bu davrda raqs san'ati xalq raqsi va malakali raqs yo'nalishida rivojlandi. Keyinchalik xududlarga xos raqs maktablar paydo bola boshladi. Ayniqsa bu hodisa -Xonliklar va Bek" liklar yuzaga kelgach rivojlangan. Hozirgi kunga kelib -Fargona-Toshkent" -Samarqand-Buxoro" -Surxandaryo-Qashqadaryo" va -Xorazm" raqs maktablariga bolingan. Xududiy raqlar bir-biridan tubdan farq qiladi va albatta shu xalqning xarakterini turmush tarzini tasvirlab beradi. Ya ni Fargona raqlari koproq mayinlik va nafislikni aks ettirsa Buxoro va Samarqand qol va oyoq harakatlarida xam shiddat ham magrurlik aks etadi. Surxandaryo va Qashqadaryo raqlarida esa sodda jaydari va chapani xarakatlarga duch kelasiz. Xorazm raqs xarakatlarida esa joshqinlik shiddat viqor aks etadi. Buxoro raqsi, Xorazm raqsi, Farg'ona raqsi yo'nalishi va Mazkur yo'nalishlarning har biri asr davomida bir necha tarixiy bosqichni bosib o'tib, o'z shaklishamoyili, mazmuniga ega bo'ldi. Bir qator davlat va xalq raqs jamoalari jahonga tanildi. Bunda Hamdamxon, Yusufjon qiziq Shakarjonov, Usta Olim Komilov, Tamaraxonim, Mukarrama Turg'unboyeva, Gavhar Rahimova, Roziya Karimova, Qunduz Mirkarimova, Karim Rahimov, Qodir Mo'minov, Ma'mura Ergasheva, Yulduz Ismashova, Shokir Ahmedov, Gavhar Matyoqubova, Rushana Sultonova, Dilafro'z Jabborova, Qizlarxon Do'stmuhamedova, Malika Ahmedova kabi raqs ustalarining xizmati katta.

Darhaqiqat, bolaning ham manaviy ham aqliy ham jismoniy rivojlanishida mumtoz musiqa sanati hamda raqsning o'rni beqiyosdir. Raqs bogcha yoshidagi bolaning rivojlanishida jismoniy aqliy ham psixologik tomondan katta yordam beradi. Raqs ham jismoniy tarbiyaning ham manaviyatning ham sanatning bir turi xisoblangani

sababli bola tarbiyasida muxim o'rinn tutadi. Xo'sh raqs bolaga amaliy qanday yordam bera oladi?

Raqs bolaning xotirasini rivojlantiradi ruhiy ozuqa beradi xayotga mexr-muxabbatini va etiborini oshiradi . Diqqatini jamlashni orgatadi Jismonan soglon osishiga katta yordam beradi. Gavdani tik tutishga togri va chiroyli qadam tashlashga orgatadi. Qomatni go'zal ko`rinishga kelishiga xar hil kasallikka chalinmaslikka katta yordam beradi. Raqs bilan shugullangan bola quvnoq aktiv qiziquvchan va boshqalarga mehribon bo'ladi. Qolgan bolalarga nisbatan atrof-muxitga e'tiborliroq bo'ladi. Bunday bolalar masuliyatli bo'lib ulg`ayadilar. Albatta har bir ota-onas uchun farzandining ham jismonan ham aqlan yetukligi muhimdir. Sog`lom farzand esa yurtimiz kelajagidir.

#### ***FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI***

1. E.Saitova, N.Abraykulova. *Xoreografiya va raqs san'ati asoslari*. Toshkent. Navro, 2015 y.
2. S. M.Zakirova. *Raqs. O'quv qo'llanma*. Toshkent. 2017 y.
3. L.Avdeeva. *O'zbek milliy raqs sanati tarixidan*. Toshkent. 2011y.
4. R.Karimova. *O'zbek raqslari*. Toshkent, 2003y.
5. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
6. [Lex.uz](http://Lex.uz)

## МУНДАРИЖА

1	<b>Абрайкулова Н. Э.</b> - Иқтидорли талабаларни илмий-ижодий ва инновацион фаолиятга жалб этиш масалалари.	<b>3</b>
2	<b>Мамирова Д.Т.</b> - Значение физических движений в становлении актерского мастерства.	<b>11</b>
3	<b>Мухамедова Ў.Н.-Баҳор</b> ” ансамблининг ташкил этилиши: баҳоринг муборак --Баҳор”.	<b>14</b>
4	<b>Абдухакимова Д.М.</b> -Узбекский мужской национальный танец традиции и современность.	<b>19</b>
5	<b>Yeshimbetova A.</b> - Formation and development of national ballet art in Uzbekistan.	<b>24</b>
6	<b>Останина О.А.</b> - Особенности преподавания предмета «пластика» на актерских курсах.	<b>34</b>
7	<b>Юсупова В.И.</b> -Пластика рук актёра театра кукол.	<b>39</b>
8	<b>Хамидова Л.В.</b> - Классический танец как средство формирования исполнительской культуры артистов балета.	<b>43</b>
9	<b>Рахимов М.Б.</b> -Физическое воспитание и самовоспитание личности в учебном процессе по физической культуре.	<b>47</b>
10	<b>Комарова О.К.</b> -Проблемы интерпретации народного танца в любительских хореографических коллективах.	<b>50</b>
11	<b>Исмаилов Д.А.</b> - Связь сценического фехтования с другими предметами.	<b>55</b>
12	<b>Хамидова Л.В.</b> - Технические и эстетические требования к классическому искусству танца.	<b>60</b>
13	<b>Yoldashov Sh., Maxmashukurov Sh.</b> - Sport tadbirlarida musiqaviy namoyishlarning o_rni.	<b>64</b>
14	<b>Do,,sanov R.R.</b> - Badiiy shaklni ifodalashda sahnaviy hatti-harakatning ahamiyati va uning yakka ijrodagi o_mi.	<b>67</b>
15	<b>Maxmashukurov Sh. X.</b> -Sport tadbirlarining tomoshaviyligini hamda ta'sirchanligini oshirishda musiqaning roli.	<b>72</b>
16	<b>Ваниян С. Б.</b> - Некоторые методические аспекты изучения физических качеств студентов.	<b>76</b>
17	<b>Zokirova S.M.</b> - Sahnadagi nafis san'at: milliy balet misolida. о_зек milliy baleti tarixiga bir nazar.	<b>79</b>
18	<b>Султангирова И.Р.</b> -Музыкальная драматургия балета У. Мусаева —Тмирис”.	<b>85</b>
19	<b>Холова Ш.М.</b> -Актёрнинг касбий шаклланишида жисмоний тайёргарликнинг аҳамияти.	<b>89</b>
20	<b>Karimova M. A.</b> -Professional san‘atning vujudga kelishida xalq ijodining o‘rni.	<b>92</b>

21	<b>Курбанова Н.Т.</b> -Актёрнинг касбий шаклланишида рақснинг ўрни ва С.Р.Тангуриева услубининг аҳамияти ва ўрни.	<b>98</b>
22	<b>Анваржонов А.А.</b> - Қўғирчоқ бошқариш қўникмасини шакллантиришда- “қўл пластикаси”нинг аҳамияти.	<b>102</b>
23	<b>АЗИМОВА А.</b> - Тарихга муҳрланган умр.	<b>111</b>
24	<b>Akramova A. A., Xolova SH.M.</b> -Kitobxonlikni rivojlantirishda reklamaning o‘rnini.	<b>114</b>
25	<b>Abdukodirova M.R.</b> - Eng katta fojea - bu bilimsizlik!	<b>117</b>
26	<b>Бахромова Н.Б.</b> - Шахсни шакллантиришда мумтоз театр асарлар ўрни.	<b>120</b>
27	<b>Ғафарова Барно Ҳаким қизи, Холова Ш.М.</b> - Бадиий адабиётнинг шахс шаклланишидаги ўрни.	<b>123</b>
28	<b>Hakimboyeva G. B.</b> - Ommaviy bayramlarni teatrlashtirishning ahamiyati.	<b>125</b>
29	<b>Валиева С. А., Холова ІІІ. М.</b> -Проблемы отсутствия мотивации к занятиям физической культуры.	<b>128</b>
30	<b>Abdug‘aniyev E.A.</b> - Zahiriddin muhammad boburning o‘zbek madaniyati va san’atiga qo‘shgan xissasi.	<b>131</b>
31	<b>Aliyeva M.</b> -Dance is a movement, and movement is life.	<b>135</b>
32	<b>Isomiddinova G.T.</b> -Qo‘g‘irchoq teatri tarixi haqida.	<b>139</b>
33	<b>Узокова М.</b> -Актёрлик маҳоратида тасаввурдаги предметлар билан ишлаш қўникмасини шакллантиришнинг аҳамияти.	<b>142</b>
34	<b>Rakhimjonov Sh.</b> -Bright creativity composer.	<b>143</b>
35	<b>Эрданова С.К., Холова Ш.М.</b> - Самопознание и самодиагностика в сфере физической культуры и спорта.	<b>148</b>
36	<b>Тўраев Ж.Р., Мирбадалова Ж. С.</b> - Ўзбек рақс санъатини тарғиб этишда интернет ва мобиль иловалардан фойдаланишни такомиллаштириш.	<b>151</b>
37	<b>Эргашева М.</b> -Миллий мусиқа маданияти ва унинг ёшлилар маънавиятини шакллантиришдаги роли.	<b>156</b>
38	<b>Imomaliyeva N.</b> Maktabgacha talim muassasalarida “raqs” san’atining tutgan o‘rni.	<b>159</b>

## MUALLIFLAR JAMOASI

# “AKTYORNING KASBIY SHAKLLANISHIDA SAHNAVIY XATTI-HARAKAT: AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY USLUBLAR” MAVZUSIDAGI ILMIY-AMALIY SEMINAR MATERIALLARI

### MAQOLALAR TO`PLAMI

*Toshkent - “Innovatsiya-Ziyo” - 2021*

*Texnik muharrir: Xolsaidov F. B.*

*Nashriyot litsenziyasi AI №023, 27.10.2018.  
Bosishga 20.05.2021. da ruxsat etildi. Bichimi 60x90.  
“Times New Roman” garniturasи.  
Ofset bosma usulida bosildi.*

*Shartli bosma tabog‘i 11. Nashr bosma tabog‘i 10,05.  
Adadi 36 nusxa.*

*“Innovatsiya-Ziyo” MCHJ matbaa bo‘limida chop etildi.  
Manzil: Toshkent shahri, Farhod ko‘chasi, 6-uy.*